





Сен ўзингга қилибсан шайдо  
Эй, юртимнинг ҳусни, жамоли.  
Ҳар онингга бўлсин жон фидо,  
Ҳақларнинг муқаддас, олий!!!

“Кеш гвардия” нашриёти, 1979.

# ШУҲРАТ • ШАЙДО КҮНГИЛ



Шеърлар

Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий Комитети  
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти

Тошкент — 1979

## ЭХТИРОС МЕВАЛАРИ

Ҳар бир янги тўпләм шоир умрининг бир қисми бўлади. Бамисоли терим машинаси бункерини бўшатгандай, шеърят хирмонига бир китоб шеър тўккан шоир ҳам ўзича бир силкиниб олади.

Мен Шухрат аканинг кўп китобларини ўқиганман, унинг тиниқ ва равон шеърятига ҳавас қилганман, сатрларнинг табиий ва энгил оқимидан завқланганман. Уша «Кавказ дафтари» ҳам, «Мангулик» ҳам ўзининг соддалиги, ўйноқилиги, кўтаринки руҳи билан кўнглимда ёрқин из қолдирган.

Мана бугун мен шоирнинг янги, куни кеча тартиб берилган китобини ўқиб турибман. Шухрат ака яна ўзига содиқ.

Бу шеърларнинг муаллифи олтмиш ёш довони устида турганига ишониш қийин,— мисралар ёшлик ҳарорати, ғурури, эҳтироси билан шу қадар тўлиғ!

Дунёнинг кўп аччиқ-чучугини кўрган, шеърят билан, суронли йиллар билан боғлиқ кўп заҳматлардан сочи оқарган шоирнинг ёшликка хос завқу шавқини сақлаб қолганига, бу завқу шавқни ёшлик ғайрати, оташи билан қоғозга кўчира олганига ҳавас қилса бўлади.

Шухрат аканинг шеърлари энгил ўқилади. Улар бари бир зарбда ёзилгани, бир қалб ҳолати заминида дунёга келгани сезилиб туради. Шеърлар, дастлабки таассуротда, жуда осон ёзилгандай туюлади. Лекин бу соддалик, равонлик ортида кўп оғир заҳматлар ётганини шеър меҳнатига ошна бўлганлар тушунадилар.

Қўлингиздаги китобни шоир олтмиш йиллик юбилейи арафасида нашриётга топширди. Топшира туриб: «Бу менинг укаларимга атаганим»— деди. Дарҳақиқат, жангчи — шоирнинг, Ватан урушининг ўт кўрасида бўлган, ўша «шинелли йиллар»нинг минглаб чақиримини солдат этигида ўтган адибнинг умр камолида ёшлар учун янги шеърлар китоби ёзиб бергани рамзий маъно касб этади. Бу шеърлар ёшларимизни ватанпарварлик руҳида, оталар қон тўкиб ҳимоя қилган қутлуғ маслагимизга садоқат руҳида тарбияламоққа ҳисса бўлиб қўшилади.

Шоир юрагига илҳом, ижодига маҳсул, умрига барака тилайман.

ЭРКИН ВОҲИДОВ

## ЗАМОНДОШИМГА

---

Дунёни сен албат яратганинг йўқ,  
Сен фақат аждоддан қолган ёниқ чўғ.

Бу дунё бор эди бўлмоғи керак,  
Ҳозирдай бус-бутун қолмоғи керак.

Сен шунга жавобгар умринг борича,  
Кундузни кун дема, кечани кеча.

Бир ғишти бемаҳал нураса агар,  
Шаънингга афсусу надомат тегар.

Мабодо бирор ўқ отилса ногоҳ,  
Демак сен бўлмабсан вақтида огоҳ.

Нега у беватан ўз ватанида,  
Ғазабдан қутуриб қони танида?

Бировнинг юртида изғиб юрган ким,  
Нега сен жавобсиз туриб қолдинг жим?

Келажак авлодга берасан ҳисоб,  
Ҳисобки саволи оғир, беҳисоб.

Ким эдинг, ким бўлдинг ва нима қилдинг,  
Бўлмаса дунёга нимага келдинг!

Ҳар куннинг ҳисоби алоҳидадир,  
Кечикмай ҳозирдан жавобин қидир.

Бош жавоб аниқдир гар бўлсанг зийрак,  
Дунё тинч ва бутун бўлмоғи керак.

Сен шунга жавобгар умринг борича,  
Белда куч, кўзингда нуринг борича!

1977, февраль



## ОРЗУ ҲАҚИДА

---

Мен орзумга етдим, дея керилма,  
Нима қолди энди ёниб дилингда?  
Нима кутар сени эрта йўлингда,  
Бўш хаёлга ўзинг алдаб берилма!

Қалбда доим орзу бўлса яхшидир,  
Уни қувиб яшаш яна яхшироқ!  
Бири битса, бошқасини топ, қидир,  
Йўлинг бўлур яна нурли ва порлоқ!

Орзу билан яшаган қалб равшандир,  
Орзу билан умр йўли гулшандир.  
Бу гулшандан ўзга тутма ўзингни,  
Юрагингга қулоқ солгин ва қондир!

Ишон дўстим, орзусиз қалб бўлмайди,  
Одам ўлар, аммо орзу ўлмайди!  
Бошқа қалбга кўчиб, севиб яшайди,  
Бахт уфқини доим қувиб яшайди!!

1976, октябрь

## ШОИР

---

Қим ўзи булар деб ёқангни тутма,  
Нур билан эзгулик фарзанди шоир.  
Шоирдан ёвузлик, ёмонлик кутма,  
Мард бўлсанг қалбига илҳом бўлиб кир!

Ҳар одам кўксига қулоғин қўйиб,  
Қалбининг уришин тинглайди нуқул.  
Нуқул у одамлар дардида куйиб,  
Одамнинг бахти деб доим ўзи қул!

У дейди: оналар урмаса фарёд,  
Фарзанди устида сочини ёйиб.  
У дейди: йигитлар минганида от,  
Бу ҳаёт музида кетмаса тойиб!

У дейди: қизларнинг хандон кулгиси  
Бўғзида қолмаса йиғиси босиб.  
У дейди: чаманлар муаттар исин  
Босмаса порохлар дудлари сасиб.

У дейди: ҳаттоки чумчуқ боласи  
Инидан бемаҳал тушиб кетмаса.  
Одам-ку ҳаётнинг асл, аълоси,  
Эътиқод мулкидан озор етмаса.

У дейди: гар севсанг, биттасига боқ,  
Никоҳнинг қасдига тушмасин талоқ.  
У дейди: гар оқсанг, дарё бўлиб оқ,  
Гул бўлсанг, майли бўл, ранг-баранг ёноқ!



Беш қитъа одамин қўлини ушлаб,  
Қўллари устига қўяди қўлин.  
Қалбидан қалбига тенг кўприк ташлаб,  
Кенг, ёруғ кўради истиқбол йўлин!

У салом беради еру осмонга,  
У мадад кутади ёмғиру қордан.  
У илҳақ сезади ўзин инсонга,  
У ҳиммат кутади доим дўст-ёрдан.

Аслида ўлимни тан олмас, лекин  
Бемаҳал ўлимдан сочларида оқ.  
У иқбол истамас текиндан-текин,  
Ҳаётни кўради курашда порлоқ.

У ёлғон гапирса имони куйиб,  
Ақлига тушади бемаҳал куя!  
Эртани барчадан олдинроқ туюб,  
Қуённи қуён дер, туяни туя!

У ўзи ёнади ёндираман деб,  
Ёндириб ёнолса муроди ҳосил.  
Шоир ўз шахсига бермаса ҳам зеб,  
Зеб бериб оламга шод узил-кесил!

Сиз жиндек куйсангиз, у ёниб кетар,  
Сиз жиндек кулсангиз — солади хандон.  
Бу олам бўлсин деб бежавф, бехатар,  
Ўт-сувга уради ўзини ҳамон.

Сиз уни бахтин кўрмоқ бўлсангиз,  
Тинч бўлинг, ғам-алам чекманг, одамлар.  
Шодликдан ёшариб, мамнун кулсангиз,  
У ерда доимо хушнуд қадамлар!

Сиз уни ардоқланг, азиз кишилар,  
У сизнинг кўзгунгиз сизнинг дилингиз,

У сизнинг бахтингиз, сизни олқишлар,  
У ҳатто ўзингиз, бийрон тилингиз.

У сизни олқишлаб айтмоқда қўшиқ,  
Демакки, ҳаёт-ла у ошиқ-маъшуқ!  
Шу ошиқ-маъшуқлик унинг ҳаёти,  
Аслида ҳаётдир шоирнинг оти!!

1976, март  
Москва



## ХАВОТИР ОЛМА, ОТАЖОН!

---

Сен асло хавотир олма, отажон,  
Соҳибсиз қолмайди бу ёруғ жаҳон.  
Қонингда қонимдир,  
Дилингда дилим,  
Жонингдан жонимдир,  
Йўлингдан йўлим!

Мен яхши биламан сенинг дилингни,  
Мен жондан севаман шонли йўлингни.  
Ол байроқ остидан жилмадинг сира,  
Бахт нима — курашсиз билмадинг сира.  
Кўксингда изи бор душман қиличин,  
Майдонда кўрсатдинг йигитлик кучин!

Сен солдат шонининг қадрин биласан,  
Сен меҳнат нонининг қадрин биласан.  
Ленинни эшитган онинг бор сенинг,  
Ленинга тасаддиқ жонинг бор сенинг!  
Кўзингда ёнади шу тупроқ ранги,  
Қуёшдан порлоқдир оддий чечаги.

Дилингда маъқулдир шеъри, қўшиғи,  
Шу юртнинг сен мағрур мангу ошиғи!  
Ошиқсан қалби пок ва лафзи ҳалол,  
Беш юз йил яшасанг келмайди малол!  
Юртингга ярашар қадди-қоматинг,  
Ўзингга муносиб бахтинг-омадинг!

Қалбинг бор қордай оқ, баҳордай гўзал,  
Ез каби қайноғу, куздай серҳосил.  
Фикринг ҳам тиниқдир, тилларинг асал,  
Ниятинг тоза-ю, эзгу муттасил!  
Ибратдир дилинг ҳам,  
Йўлинг ҳам, ота.  
Сен севган жон фидо элинг ҳам, ота.

Сен ёққан чироқдан довонлар порлоқ,  
Довонлар ортида яна гўзал боғ.  
Шу боққа саломинг элтаман ўзим,  
Қасам деб қабул эт, ота, шу сўзим!  
Сен асло хавотир олма, отажон,  
Соҳибсиз қолмайди бу ёруғ жаҳон!

1977, январь



## КОМСОМОЛ МАДҲИЯСИ

---

«Аврора»нинг тўнғич ўғли,  
Жангда туғилдинг.  
Жангда ўсиб, жангда пишиб,  
Нурда йўғрилдинг.  
Октябрнинг бонги тиниб,  
Тикланди байроқ.  
Бу йилларда сенинг ишинг  
Яна ҳам порлоқ.  
Деҳқонга сен ер бўлишдинг,  
Сен ўзинг қўшчи.  
Заводини олди ишчи,  
Сен ўзинг ишчи,  
Янги ҳаёт изга тушди,  
Ўзгарди олам.  
Одам одам қадрин билди,  
Яшарди одам.  
Беш йилликлар довонидан  
Мардона ўтдинг.  
Юртга ҳар кун бир ғалаба,  
Бир ўлжа тутдинг.  
Юрт улғайди, эл улғайди,  
Улғайдинг сен ҳам.  
Дердинг мамнун: қандай яхши  
Яшнаса ўлкам!  
Днепрда чироқ ёқдинг,  
Олам-олам нур,  
Турксиб узра йўллар қурдинг  
Шоҳона, мағрур.

Ўз номингда шаҳар бунёд,  
Узоқ шимолда.  
Не-не ерга бердинг ҳаёт  
Аёз, шамолда.  
Не-не завод қад кўтарди,  
Қишлоқ яшарди.  
Ҳар звенонг ташаббускор,  
Бир иш бошларди.  
Сенинг ишинг даста-даста,  
Жилд-жилд китобдир.  
Ҳар соатинг бир достону  
Ҳар он бир бобдир.  
Мамнун эдинг тақдирингдан,  
Эл сендан рози.  
Бирдан оғиб кетди тонгда  
Тинчлик тарози.  
Ватан уфқин босди олов,  
Роҳат бузилди.  
Гўё бахтнинг ҳаёт тори  
Ногоҳ узилди.  
Яна ўзинг шинелдасан,  
Елкангда милтиқ.  
Кўзларингда ғазаб ёнди,  
Чидаш йўқ ортиқ!  
Улим нима? Улимга сен  
Тикдинг ўзингни.  
Улим сендан тисарилди,  
Упди изингни!  
Не-не жангда жон талпиндинг,  
Ва ғолиб чиқдинг.  
Гастелло — сен, Матросов — сен,  
Тўйчи сен эдинг.  
Мардлигинга тараф йўғу,  
Ниҳоя йўқдир.  
Сенинг онинг, тирик жонинг  
Шонга тўлиқдир.

Жангда голиб, зафар олиб,  
    Қайтдинг мағрур, шод.  
Тинчлик, ижод ва меҳнатда  
    Бўлдинг қўш қанот.  
Яна бўз ер... яна завод...  
    Ўқиш... тадқиқот...  
Номинг билан Гагаринни  
    Кутди коинот.  
Ҳамон ўзинг белқувватсан,  
    Музаффар халққа.  
Сенинг ишинг тизмалари  
    Саноқсиз ҳалқа.  
Уфқларни кўзлаганда,  
    Кўзинг шунқордир.  
Эл силаган пешонангни,  
    Бахт сенга ёрдир.  
Бахтинг билан доим яша,  
    Яша, комсомол!  
Сени кутар довон, чўққи,  
    Уфқ, шонли йўл!

1971.



## СЕНИНГ ШАЪНИНГГА, УЛКАМ!

---

Ақлимни танибман — тепамда қуёш,  
Қаршимда яшнаган чаман — боғ кўрдим.  
Сафарга отлансам, ёнимда йўлдош,  
Ҳар ишда қошимда бир ўртоқ кўрдим.  
Илмга интилсам, мактаб эшигин  
Иккала қанотин ланг очиқ кўрдим.  
Уфққа талпинсам, истиқбол кўшқин  
Сатҳида ризқимни мўл, сочиқ кўрдим.  
Қир кезсам, йўлимда чечаклар — гилам,  
Тоғ кезсам, ҳар тошда бир лола кўрдим.  
Ҳар байрам оқшоми меҳри бир олам.  
Ҳар дўстим қўлида пиёла кўрдим.  
Бахтимни қўриқлаб жангларга кирсам,  
Бошимда муқаддас ол байроқ кўрдим.  
Бегона элларнинг тунида юрсам,  
Кремль юлдузин бир чироқ кўрдим.  
Учала ўғлимнинг кўзига боқсам,  
Бахтимнинг давоми аниқ кўринди.  
Баъзида турсам ҳам ёшлиқни қўмсаб,  
Истиқбол машъали ёниқ кўринди.  
Синчиклаб қарасам: бу она тупроқ —  
Мисқоли тенги йўқ гавҳар кўринди.  
Шаънимга пичирлаб куйлар ҳар япроқ,  
Ҳар кўчат шохига бир меҳрим қўнди.  
Чамалаб қарасам, бу улуғ юртим —  
Белига бир камар бўлмас ўн дарё  
Сувининг таъмини таққослаб кўрдим:  
Бундайин тотлигин билмаган дунё!



Венани мақташди, Венада бўлдим,  
Ахир у кечаги олам-ку мажруҳ!  
Қайтадан яшарган Самарқандни ким  
Венага тенг кўрса; унинг диди йўқ!  
Тунингдек юлдузли осмон кўрмадим,  
Ватаним, елингдай хушбўй, юмшоғин.  
Бир жаҳон олтингга алмашмас эдим,  
Бир харсанг тошингнинг кичик ушоғин!  
Бир он ҳам меҳрингсиз олмасдим нафас,  
Қаерда бўлмайин, эй, она ўлкам!  
«Фарзандим!» демагинг менинг учун бас,  
Жонимни тиксам ҳам сенинг учун кам!

1960



## ЕШЛИК БАХТИ

---

Ешлигинг бахтини билмоқ истасанг,  
На кўкдан изла-ю, на уфққа боқ.  
Ешлик у бир қилич,  
Бостирмасдан занг  
Истиқбол жангига кира бил, ўртоқ,

Шу йўлда ўқиш ҳам, меҳнат ҳам зўр жанг,  
Ният қил: — Курашда очилса кўзим.  
Шу йўлда қалбингдан севиб севилсанг,  
Шу бўлур ешлигинг бахти, азизим!

1962



## ҚИЗИЛ МАЙДОНДАН УТГАНДА...

---

Эй, менинг илинжим, қиблаи олам,  
Тонг билан хаёлим сенда кезади.  
Сен билан тақдирин боғлаган одам  
Ўзини дунёда масъуд сезади.

Дарёлар денгизга, гиёҳлар нурга,  
Лочинлар уфққа интилгансимон,  
Сен сари ошиқар жумлаи жаҳон.  
Бу башар муштоқдир сенингдек ерга.

Мен эса, илк бора сендан ўтганман  
Партизан дадамнинг кифтига миниб.  
Меҳримни гул қилиб сенга тутганман,  
Гоҳ мағрур шодланиб, гоҳо қимтиниб.

Қийқириб боққанман узоқ-узоққа,  
Қалбимда қувончим бир дунё эди.  
Ёнимда одамлар бир дарё эди,  
Мен эса ўхшардим кичик ирмоққа.

Ўша илк дафъанинг завқи қалбимда,  
Ўша илк кўрганим лавҳа эсимда.  
Байроғи нур бўлиб ёнар кўзимда,  
Қўшиғи янграйди ҳамон лабимда.

Гўёки у замон ичгандим қасам:  
Шу куннинг шаънига умр бахш этсам!  
Бахш этган умримни энди эсласам,  
Арзийди бошқалар ибрат олса ҳам!

Улғайдим пионер лоласин тақиб,  
Гердайиб қошингдан ўтдим ҳар байрам.  
Гул сочдим бахтимдан олам ва олам!  
Ҳар байрам Ленинга миннатдор боқиб,

Тўлқинлар ўтарди байроқлар қалқиб,  
Уфқни тутарди «урра» қийқириқ.  
Уфқлар ортида яна нур балқиб,  
Гўё бу садолар эди чақириқ!

Лаббай деб шу садо ортидан бордим,  
Шу тақдир ҳукмига бердим ўзимни.  
Бахт боққан манзилда кўрдим ўзимни,  
Ва шунда қилт этмай мангуга қолдим!

Арқонга қил қувват, мен эса юртга,  
Юрт эса бошимда бўлди соябон.  
Бир лаҳза боқмадим ноумид кетга,  
Олдинда кутарди жанг-жадал, довон.

Улғайдим, уйландим, фарзанд ҳам кўрдим,  
Қўлида байроқча, елкамда ўзи,  
Кўксингдан ўтаркан, ёнарди кўзи!  
Шу ёнган кўзининг постида турдим.

Шу ёнган кўзининг ҳаққи-ҳурмати,  
Меросга қолади мендан эътиқод.  
Юрагим бир лаҳза дардсиз турмади,  
Бу дарднинг матлаби ишонч ва ҳаёт!

Эй, менинг ишончим, қиблаи жаҳон,  
Мен сенинг меҳрингсиз нафас олмадим!  
Десангки, уч-тўрт бор сени кўрмадим,  
Мен бунга сабабмас, ўзингга аён!

Ишонки, қошингдан ҳар йил икки бор  
Таъзим-ла ўтмоқлик имоним бурчи!

Бири кеч кузакда, бири навбаҳор,  
Иккисин баробар эъзозли кучи!

Ҳар сендан ўтганда бағрим кенг очиб,  
Умримни қиламан бир-бир сарҳисоб.  
Умрки, ҳар тонгда бир зафар қучиб,  
Тарихга қўшади янги-янги боб.

Умрки, ҳавасга кўз-кўз қилгудек,  
Қон билан, шон билан кўтарган қаддин.  
Умрки, ҳавас-ла ўқиб билгудек  
Ким кутса тақдирдан эрку омадин.

Эй, жаҳон жамоли,  
Эй қизил майдон,  
Яна мен таъзим-ла сендан ўтаман.  
Ва сендан ўтмоқни,  
Таъзим этмоқни  
Келажак авлодга мерос тутаман!

1977, февраль.



## БИР КОСА ШАРБАТ

---

Қўлларимда бир коса шарбат,  
Сенга олиб бораман, эркам,  
Токи қалбинг билмасин ғурбат,  
Тарк этмасин руҳингни кўклам!

Эсмай туринг бирпас, эй еллар,  
Чайқалмасин шарбат қўлимда.  
Текис бўлса шояд бу йўллар,  
Тош бўлмасин яна йўлимда.

Гапга солманг мени ногихон,  
Хаёлимни бузманг, эй ёрон!  
Бу косада бир олам-жаҳон  
Яхши ният ва орзу-армон!

Томчиси ҳам бўлмасин нобуд,  
Мен кетяпман, эркам, мени кут!

1977, февраль  
Ашхабод



## ОНАМ, ОНА ТИЛИМ, ОНА ЮРТИМ

---

### I

Дунё кўрдим, эл-юрт кездим бир талай,  
Биттасида худо рамзи онадир.  
Биттасида она кўзи қуралай,  
Ҳу биттаси бахт дардида ёнади.

У биттаси боласини опичлаб,  
Шоликорда куни бўйи гиргиттон.  
У биттаси дунё сочар ҳовучлаб,  
Ёлворгани оллоҳ бермас битта жон!

У биттасин манглайида тилла хол,  
У биттасин кўзи қисиқ, ёнган чўғ.  
У биттасин илк баҳорда навниҳол,  
Ҳуснидан маст, дунё билан иши йўқ!

Ҳаммасини кўрдим, билдим, хўп яхши,  
Ҳаммасининг ўз хислати, ўз кўрки,  
Ўз жамоли, ўз қалби бор, ўз ёши,  
Ўзгачадир маишати, бахт, эрки!

Энди билдим ҳаммасидан меҳрибон,  
Ҳаммасидан чиройлиги ўз онам!  
Меҳри жаҳон, жаннат макон, фидожон,  
Олам ичра қиёси йўқ бир олам!

## II

Биров мақтаб францизлар тилини,  
Оҳ-оҳ, — деди, — нафосатда тенги йўқ.  
Немис тили жаранглашда сўнги йўқ,  
Билсанг тилин, яқин тутар дилини.

Яна бири тилларидан бол томиб,  
Испанчани мақтаб қолди, ўрган деб.  
Шекспирдан сонет ўқиб, нур эмиб,  
Бу тил, деди, барча тилга кўрку зеб!

Хитой тили ажойиб тил, кўриб қўй,  
Ёзуви-чи, ёзув эмас бир сурат.  
Беш минг йиллар тарихига чўзсанг бўй,  
Шу тил берар аниқ-тиник қафолат!

Лотин тили ўлик халқдан тирик тил,  
Илму фанда қад-қомати баркамол.  
Ростим айтсам, барчаси ҳам йирик тил,  
Барчаси ҳам яхши, кўркам, тоти бол!

Лекин менинг она тилим баридан  
Ширин-шакар, улкан, азиз, баҳодир.  
Сержилва-ю, теран фикр қаъридан  
Мўъжизалар кашф этмоққа у қодир!

## III

Римни кўрдим: кўҳна олам, ҳар тошда  
Ақл меҳри, қуллик заҳри мужассам.  
Париж эса, минг товланиб қуёшда,  
Жозиба-ю, нафосатни қилмиш жам!

Япония ажиб ўлка, ҳар гиёҳ,  
Ҳар қарич ер хунига тенг, режада.



Тожмаҳални кўрганмисиз бирор чоғ,  
Кундуздан ҳам чиройлидир кечада!

Юртлар кўрдим, дарё-кўли беҳисоб,  
Юртлар кўрдим, тоғи осмон устун.  
Биттасини тарк этмайди ҳеч офтоб,  
Биттасини ярим йилдир ҳар туни!

Яна бири... Хуллас калом ҳар бири  
Ўз ҳуснига мафтун этар ўзгача,  
Шайдо этар дилдан тортиб кўзгача!  
Ҳар бирининг ўнта китоб таъбири!

Анчасини кўрдим, лекин барча юрт  
Ўтаверсин она юртим олдидан!  
Она юртим қандай гўзал ва жўмард,  
Қандай азиз, баҳодирсан, эй, Ватан!

#### IV

Она! Сенинг номинг шунча мўътабар,  
Шунча азиз, муқаддасу сержаранг.  
«Она тилим», «Она юртим» — бир қаранг,  
Қандай тотли, қандай шонли ва лобар!

Сен бўлмасанг иккиси ҳам оддий сўз,  
На юракка тўлқин солар, на ғурур.  
На ўзгача жилва билан ёнар кўз,  
На уларга жило берур бахт, сурур!

Сен дунёнинг боши билан охири,  
Меҳринг билан дунё яшнаб яшарса,  
Не ажабки, қаҳринг агар тош ёрса!  
Кел ўпайин пешонангдан, кел бери!

Кел, онажон, ажин босган кўлингни  
Муқаддас деб кўзларимга суртайин.  
Она тилим! Она юртим! Дилингни  
Мен билмасам ким билади мендайин!

Сизлар борки, дунё кўрки кўзимда,  
Сизлар борки, шон-шараф бор сўзимда,  
Сизлар мангу, мен-ку ўтиб кетарман,  
Ташаккурим янграб қолур изимда!!.



## ШОШМА, ЭЙ БУЛОҚ!

---

— Турна кўзли, эй булоқ,  
Сўзларимга сол қулоқ:  
Бунча қайнаб тошасан,  
Қайга бунча шошасан?  
— Йўлга чиққан сайёҳ бор,  
Сувга ташна нигоҳ бор,  
Балки кутар дил ёниб,  
Ичсин сувим у қониб.  
— Тўйиб ичгач, у яна —  
Бўлар йўлга равона.  
Сени эслар, ёки йўқ!  
— Бунинг менга фарқи йўқ.  
Чанқовини боссам бас,  
Эсламоғи шарт эмас!

1977 йил, февраль  
Ашхабод.



## МЕН ТАНЛАГАН ЙУЛ

---

Мен умр йўлининг зиналаридан  
Баландга чиқмоқни аҳд қилганим он,  
Кўзимга кўп гўзал кўринди жаҳон.  
Қўш қўллаб ушладим меҳнат баридан.  
Белларим қайишди,  
Қўлларим толди.  
Кўзларим гоҳида тиниб кетса ҳам,  
Умидим узмадим,— тиришдим маҳкам.  
Ниятим йўлдошим бўлди — куч олдим.  
Мен енгил обрўни қилмадим ҳавас,  
Ё сохта мақтовга учмадим дарров.  
Билардим баъзида дўстим бўлиб ёв,  
Йўлимга ташлайди гул ўрнида хас!  
Мен ҳаёт завқини меҳнатда тотдим,  
Ҳа, оғир меҳнатнинг завқи ўзгача.  
Кўзимга чўккунча қоронғи кеча,  
Умримни шу йўлда ўқ қилиб отдим.  
Биламан асабим бевақт титилур,  
Жонимга бемаврид ажал тикар кўз.  
Биламан ўз ўрнин топиб тушган сўз  
Асабдан, юракдан чақнаб битилур.  
Мен атай шу қийин йўлни танладим,  
Ҳа, нурли чўққида чиқар манзилим.  
Етишим кўп мушкул ва лекин дилим  
Дейдики, ташлайвер ишонч-ла одим.  
Ишончинг бўлмаса силжима, жим тур,  
Ишончинг инъоми роҳат бўлади.  
Қим оғир яшаса енгил ўлади,  
Ҳаттоки қабрида ётади мағрур.

1970.

## АЙТ-ЧИ, ҚИЗ

---

Мен сени биламан: кулишинг гўзал,  
Қаҳқаҳа бобида танҳосан ўзинг.  
Сен кулсанг тилга ҳам киради ғазал,  
Кулади вужудинг, юрагинг, кўзинг?!

Бу яхши хислатдир, гулим, албатта,  
Юракдан астойдил кулмоқ қувониб!  
Айт-чи, қиз, кулгандек оғир дамларда  
Йиғлай оласанми ўртаниб, ёниб!

Агар йиғлай олсанг яна ҳам яхши!

1960.



## АСТИ СЎНМАС НУР

---

Мен сизни биламан, онажонларим,  
Опажон, сингилча, жонажонларим.

Асрлар қаъридан мунгингиз келур,  
Ҳар ғазал қатида кўнглингиз келур.

Гоҳ Лайли, гоҳ Ширин, гоҳ Барчин бўлиб,  
Қалбингиз шишаси чилпарчин бўлиб,

Минг варақ дostonни ҳўл-кўл қилгансиз,  
Инсонлик қадрини инсон билгансиз.

Пўлатдан мустаҳкам, тошдан қаттиқсиз,  
Сахийлик бобида кундан ортиқсиз.

Меҳрингиз зарраси олам ёритар,  
Меҳрингиз шуъласи одам яратар.

Оламнинг боши-ю, охири сизсиз,  
Энг буюк наққоши — моҳири сизсиз!

Сиз боққан уфқнинг тонгида кун бор,  
Сиз севган инсоннинг онгида кун бор.

Сиз инсон қонида юрган қуёшсиз,  
Ҳар кунжак, хонага кирган қуёшсиз!

Сувдаги жилва ҳам, гулдаги ранг ҳам,  
Гўдак табассуми, кулги, оҳанг ҳам —

Сиз борки, оламда маъно кашф этар,  
Сиз борки, оламни доно кашф этар.

Сиз кирган хонанинг файзи ўзгача,  
Баҳори беқиёс, ёзи ўзгача.

Сиз юрган боғларнинг атри ўзгача,  
Газалхон шонрнинг сатри ўзгача.

Ҳар юрак тўрида сизнинг меҳрингиз,  
Ҳар гўдак кўзида сизнинг сеҳрингиз.

Сиз унинг кўнглида мангу виқорсиз,  
То умри барқарор тилида борсиз.

Куйида, ўйида, дилида борсиз,  
Бахтлилар ичида энг бахтиёрсиз.

Ҳар фарзанд тилида сизга ташаккур,  
Сиз мангу қуёшсиз, асти сўнмас нур!

1957.



## БУ ДАВР ШУНАҚА...

---

Сочингга уч-тўртта оқ тола тушса,  
Сен уни яшириб олиб ташлабсан.  
Бугун-ку илож бор — юлиб ташлабсан,  
Эртага неилож — бирдан ёпишса!

Яхшиси тегма, қўй, оқарсин майли,  
Шу учун севмаса, севмасин қизлар.  
Нималар кўрмади бу қора кўзлар,  
Биз умр кўрмадик текис, бамайли!

Гагарин фазода бир соат юриб,  
Соғ-омон тушгани бир олам маъно;  
Шу маъно етилиб, ақлда эриб,  
Оқ сочга айланган не-не ёш доно!

Чўл қувган йигитнинг бошидаги оқ,  
Оқ эмас, қирларнинг нурафшон чанги;  
Сочида у севган пахтасин ранги,  
Кўнглида у қурган ГЭСлардан чироқ.

Тошкентга қарагин — янги бир олам,  
Пастқам уй, илониз кўчалар қани?  
Ана шу йўлларда неча минг одам  
Сочида йўқотди нурли қорани!

Бу давр шунақа... соати йилни,  
Йиллари асрни забт этиб олган.  
Ана шу даврда ўт олган дилнинг  
Куллари бош узра сочилиб қолган.



Бу давр шунақа: умр сермаъно,  
Серташвиш, асабий, шунча учқурки...  
Мана шу даврда эллиқда қора —  
Соч билан яшамоқ ўзи бир кулги!

Қалбингда ўт ёқиб, кулини бошга  
Сочганча юравер қувониб, ўртоқ.  
Юравер тик қараб нурли қуёшга,  
Ҳали биз боражак манзиллар узоқ!

Манзиллар узоғу ва лекин порлоқ,  
Ўкинма сочингга ораласа оқ!

1976, март



## УМР ЙУЛДОШИМГА

---

Ешлигим тонгида сени учратдим,  
Шу, — дедим кўкимда ёруғ юлдузим.  
Умримни гул каби қўлингга тутдим,  
Эй, умр йўлдошим, қуралай кўзим!

То катта тош йўлга чиқиб олгунча  
Озмунча сўқмоқлар босиб ўтмадик!  
Озмунча бўлмади юлдузсиз кеча!  
Барига ишонч-ла боқа олдинг тик!

Энди-чи, уч ўғил, бир қизимиз бор,  
Сен — она, мен — ота бахтиёр, мағрур,  
Умримнинг тонгидан бўлиб миннатдор,  
Истиқбол уфқига боқаман масрур!

Гар биров севгидан савол сўрайди,  
Номингни такрорлаб «шу бахтим» дердим,  
Мабодо яна бир умр кўрсайдим,  
Инонки, шунда ҳам сени севардим!

1960—1965

## ТОШБАҚА

---

Дунёдаги энг қари тошбақа  
Лондон зоопаркида яшайди.  
У уч юз йил умр кўрган.

Тошбақа яшапти уч юз йил,  
Уч юз йил оламда турипти.  
Юз йилча саҳрода юрипти,  
Қолгани катакда, тутқундил.

Катакдан боқибди маъюс у,  
Одамлар томоша қилипти.  
Гўёки бегуноҳ, маҳбус у,  
Эркисизлик нимадир билипти.

Минг бора лаънатлаб дунёни,  
Бошини тошларга урипти.  
Юз йилча яшаган саҳрони  
Ҳар куни тушида кўрипти.

1971.



## ЕШЛИК ВА ЕШЛАР ҲАҚИДА

---

Ешликка ярашар ўйин-кулги ҳам,  
Ешликка ярашар севги билан май.  
Чироқсиз тунларнинг сиёҳ кўрки ҳам,  
Узоқда янграган ногораю най.

Ешликка ярашар олис йўл, сафар,  
Йўл бўйи қурилган қапаю гулхан.  
Ешликда бахтини қидирган топар,  
Муродга етади қадрини билган.

Кексадек муккайиб ўтирса доим,  
Гўзаллик завқини тотмаса ёниб,  
Ким уни ёш дейди, қани айтинг, ким,  
Ким уни дўст тутар ёнига олиб?!

Ешмисан, демакки, олов бўлиб ён,  
Ён токи ёришсин олис-олислар.  
Қизларнинг қалбига тушиб ҳаяжон,  
Завқидан адашсин оғзида сўзлар.

Ешликда гулларнинг кўрки бошқача,  
Бошқача анқийди ҳатто атри ҳам.  
Ўзгача шавқ билан қорайиб кеча,  
Ўзгача янграйди шоир сатри ҳам!

Ешликда шўхликлар айбга саналмас,  
Шўхликсиз ёшликнинг дафтари чала.

Зеҳни-чи, кесади мисоли олмос,  
Фикрини айтади ошкор, баралла!

Ёшликка ярашар ҳатто бўз кўйлак,  
Ёшликка ярашар тонготар базм.  
Ёшликда бошқача уради юрак,  
Баъзида ҳеч кимдан сўрамас изн!

Ёшликда ёшликнинг ўз қилиғи бор,  
Қатталар кўзида балки нуқсондир.  
Шу нуқсон бўлмаса ёшлиги ночор,  
Ёшлиги ўксийди, ер-ла яксондир!

Қатталар! Ёшлардан ўксинманг ноҳақ!  
Таънадан тилингиз тийинг, илтимос.  
Ёшликда сизлар ҳам бўлгансиз шундоқ,  
Энди-чи, унутиб қўйгансиз, холос!

Ёшликнинг ўз даври, ўз шиддати бор,  
Ўз дарди, ўз фаҳри, ўз кашфиёти.  
Қиз севса, тунларни ўтказар бедор,  
Йўл юрса, чарчашни билмайди оти!

Қулганда уфққа солади ларза,  
Йиғласа, дўл бўлиб тўкилар ёши.  
Жанг чоғи ёвига чанг солиб борса,  
Ажални қўрқитар зарби, бардоши!

Сен унинг бўз ерда хирмонига боқ,  
Қосмосга илк учган уларнинг ўзи.  
БАМдаги ишига солгин-чи қулоқ,  
Сув бўлиб эриди Сибирнинг музи.

Ёшликка не етсин! Жаҳон устуни,  
Умрнинг безаги, кўрки, тираги.  
Улуғланг ёшликнинг олтин дастини,  
Беқиёс хазина қайноқ юраги!

Ешларга қойилман, ёшлар бутун ҳақ,  
Замонга ярашиқ юриш-туриши.  
Замоннинг талаби дилида байроқ,  
Уларнинг қўлида эртанинг иши!

Ешлигим! Мен сендан ризолик олиб,  
Вақт етиб, кексалик боғига ўтдим.  
Бари-бир юрагим ўзингда қолиб,  
Қулоғим ҳамиша йўлингга тутдим.

Сен жангга кир дединг, кирдим мардона,  
Бошимда каскаю оёқда этик.  
Уч бора ярадор бўлсам ҳам, мана,  
Амрингга бош эгиб турибман тетик.

Саҳрога сув керак! — сен қилдинг имо,  
Мен канал етаклаб кетдим ортингдан.  
Еч дединг, мен ечдим неча муаммо,  
Ташаккур ёғилди она юртингдан!

Сен чўлга юр! — дединг, мен лаббай, дедим,  
Сен кўкка уч!— дединг, қанот боғладим.  
Мен сенинг измингда бир солдат эдим,  
Солдатдек ҳар ишга ўзни чоғладим.

Ўзгага юк бўлиб ҳаёт кўрмадим,  
Бошқалар юкини кўтардим лекин.  
Шарафга чулғаниб турса-да, отим,  
Қаҳқаҳа урмадим, жилмайдим секин.

Бир қўлда гул тутиб, бир қўлда режа,  
Кафтингда кўтариб юрдинг ардоқлаб.  
Биз юрган йўлларда ёришди кеча,  
Яшадим ишончу лафзингни оқлаб.

Қиз севдим, сен ўзинг турдинг олқишлаб,  
Тўйимни қиздирган сенинг чилдирманг.

Энди-чи, юрибман набира бошлаб,  
Дейманки, кўрмасин улар уруш, жанг!

Ешларга боқаман мамнун ва мағрур,  
Уларнинг сафида фарзандларим бор.  
Барига тилайман олам-олам нур,  
Кўзида кўраман истиқбол, виқор!

Қадамин гумбури қалбимга яқин,  
Қаҳқаҳа, кулгуси жонимга роҳат!  
Инграса, кўксимда сезаман ўқин,  
Қалби бўш, лоқайдга қилмайман тоқат!

Шон-шараф қучганча жондан қувониб,  
Ташуккур айтгани сўз тополмайман.  
Ёнида борардим қўлини олиб,  
Кетидан қувгани... оҳ, чополмайман!

Илғорлаб кетибди! Бор бўлсин, оқ йўл!  
Ортидан боқаман силкиб-силкиб қўл.

1976, декабрь.



## ЮҚОРИГА ЮР

---

Сен пастга бошлама, юқорига торт,  
Гар пастга тушмоқлик енгилроқ анча.  
Биламан паст текис ва силлиқ асфальт,  
Ён-вери теракзор бора-боргунча!

Лекин сен паст эмас, юқорига юр,  
Гар тиззанг қирилиб, белинг толса ҳам,  
Хуржунда бир бурда нонинг қолса ҳам,  
Олға юр ҳар нафас, юқорига юр!

Юқори чиқмоқнинг гашти ўзгача!  
Ўзгалар йўлини қилмасанг такрор —  
Янада яхши-ю, оғирдир пича.  
Шу оғир йўллардан мағрур ва тик бор!

Мард юрса тоғларнинг тоши юмшоқдир,  
Мард юрса чўққилар келади яқин.  
Чўққидан бу олам яна порлоқдир,  
Бу олам кўркига юксакдан боқинг!

1976, декабрь.



## ҲАМИША ЙЎЛДАМАН

---

Ҳамиша йўлдаман, йўлларим олис,  
Йўлларим паст-баланд, тўғри ва эгри.  
Баъзида юксакка чиқсам шилиб тиз,  
Баъзида қир ошиб кетаман нари.

Йўлдаман, илк қадам қўйгандан бери,  
Манзилдан кўзимни узмайман сира.  
Манзил-чи, йилдан-йил кетади нари.  
Йилдан-йил бахш этиб завқу шарора.

Баъзида етгандай бўламан унга,  
Баъзида жуда ҳам кетгандай узоқ.  
Бирида ўйимни буркаса тунга,  
Бирида қувончдан қора ранглар оқ!

Биламан, ҳаётнинг қонуни кўпдир,  
Ҳаммасин олдидан билиб бўлмайди.  
Билганинг сеники, билмаганинг сир,  
Шу сирни билмаса кўнгил тўлмайди.

Эртанинг сирлиги менга ёқади,  
Эртанинг сир бўлиб тургани яхши.  
Кишининг қалбида умид ёқади,  
Олдинга ундайди сирли боқини!

Шу ундов ҳамиша менинг йўлимда,  
Шу ундов ҳамиша мадад дилимда.

Мен унга интилиб йўлим босаман,  
Севинчим қалбимда, бахтим йўлимда.

Йўлдаман илк қадам қўйгандан бери,  
Ҳаётни орзиқиб суйгандан бери.  
Манзилим олисдир, юксак ва порлоқ,  
Эй, умрим, йўлингга масъул бўлиб боқ.

1976, ноябрь.



## УКИНМА ҲЕЧ

---

[Уғлимга]

Сен туғилдинг яхши фурсатда,  
Тўп филофда, қилич қинида,  
Мардоналар қайтган шаҳрига,  
Севинч мавжи дил тўлқинида.

Баҳор кўрки ўлкада мавжуд,  
Келажакнинг умиди дилда.  
Тинч, баркамол ҳаёт қўшиғи  
Қалбдан чиқар жўш уриб тилга.

Жанг йиллари белимда қувват,  
Шууримда сен яшар эдинг.  
Тасодифдан қилдим ҳимоя,  
Узимни-ю, сенинг қисматинг.

Кўз ўнгимда эдинг-у, аммо  
Билмас эдим фақат исмингни.  
Мана энди туғилдинг, сенга —  
Исм қўйдим, кўрдим ҳуснингни.

Улғаярсан, ҳаёт ва мамот  
Жангларида бўлмассан балки.  
Балки бизга келар ҳавасинг,  
«Кеч туғилдим!» — нолирсан балки.

Гар жангларда туғ ушламасанг,  
Укинма ҳеч, қайғурма зинҳор.  
Бу ҳаётда кеч туғилиш йўқ,  
Ҳар умрнинг ўз ҳиссаси бор!

1948.

## ҚҰҒИРЧОҚ

---

Қўғирчоқ келтирсам ўйнайди қизим,  
Бағридан қўймайди то ётгунича.  
Қўғирчоқ кулади гоҳ очиб кўзин,  
Гоҳ кўзин юмади хўмрайиб пича.

Қўғирчоқ ўйнамоқ яхши бир эрмак,  
Қизим ҳам севади,  
Менга ҳам ёқар.  
Ва лекин қўғирчоқ одамни кўрмак,  
Рост айтсам, дўстларим, бағримни ёқар.

1971.



## ЧИРОҚЛАР ЁНАРДИ ХИРА

---

Қирқ бирда отамни кузатдим тунда,  
Чироқлар нечундир ёнарди хира.  
Шу тунни тушимда кўраман кунда,  
Ҳали ҳам эсимдан чиқмайди сира.

Биз қолдик, у кетди,  
Ҳамон кетади.  
Уруш ҳам тугади,  
Ҳамон йўқ дарак.

Шу поезд ҳали ҳам тунда ўтади,  
Ҳали ҳам шу тунга интилар юрак.  
Ҳали ҳам чироқлар ёнади хира,  
Эсимдан чиқмайди шу поезд сира!!

1977 йил, февраль.



## СЕН БУНДА ЁТАСАН...

---

Дунай бўйи мамлакатларида Улуғ  
Ватан уруши йилларида қурбон бўлган  
ўзбек жангчиларига.

Сен бунда ётасан юртингдан йироқ,  
Юртингнинг меҳри-чи, сен билан бироқ.  
Баҳорда гул очар сени соғиниб,  
Ёзида гул сочар сени соғиниб.  
Қузида сен учун осади узум,  
Қишида қор билан ювади юзин!  
Баҳорда ток очса хаёлида сен,  
Эрталаб гул узса хаёлида сен.  
Кечқурун ош сузса хаёлида сен,  
Қўшнида тўй бўлса хаёлида сен,  
Меҳмонга уй тўлса хаёлида сен.  
Сен бунда ётасан совуқ ер қучиб,  
Хаёлинг юради дилма-дил учиб!  
Онанинг уйида ҳамон тириксан,  
Хотининг куйида ҳамон тириксан.  
Боғларинг кўркида ҳамон тириксан!  
Гулларинг баргида ҳамон тириксан!  
Тириксан юртингнинг баҳор, қишида,  
Тириксан дўстларинг қутлуғ ишида.  
Дўстларинг эслайди улоқ чопганда,  
Хотини йўлга деб кулча ёпганда.  
Дўстларинг эслайди гурунғ қурганда,  
Ҳовлида чиллаки чумак урганда.  
Дўстларинг эслайди қовун узганда,  
Дўстларинг эслайди шароб сузганда.  
Дўстларинг эслайди ёққанида қор,  
(«Оҳ, бирга кезардик тун бўйи бедор!»)  
Дўстларинг эслайди фарзанд тўйингда,

Хотининг ёнганин кўриб кўйингда  
Дўстларинг эслайди байрам кечаси,  
Руҳингга май ичиб неча-нечаси!  
Сен бунда ётасан жуда олисда,  
Ҳаётинг давоми ҳар ўғил-қизда.  
Сен улар бахти деб, жангга киргансан,  
Сен улар бахти деб, ёвни қиргансан!  
Сен улар бахти деб, қон кечиб юрдинг,  
Ўз жонинг кўзингга кўрингани йўқ!  
Сен улар бахти деб, қон кечиб юрдинг,  
Ўзингни бўруну ўтларга урдинг!  
Сен улар бахти деб, шон олгансан, шон,  
Сен улар бахти деб, бўлгансан қурбон!

Сен бунда ётасан юртингдан йироқ,  
Юртингнинг меҳри-чи, сен билан порлоқ,  
Юртингдан мен сенга салом келтирдим,  
Севикли тилингда калом келтирдим.  
Гул экдим бошингга юртдан келтириб,  
У тургай қишу ёз яшнаб, қулф уриб.  
Бош эгдим қабрингда тиззамни букиб,  
Лаънати урушни қоралаб, сўкиб!

1962.



## ЮЗ МИНГЛАР МОЗОРИ

---

Севастополда «Юз минглар мозори» бор.  
Унда урушларда қурбон бўлган 127583 киши  
дафн этилган.

Е н да ф т а р д а н.

Юз минглар мозори! Юз мингта қабр!  
Юз мингта инсоннинг жасади бунда.  
Болам деб, болам деб, кутган бесабр  
Онанинг армони кезади бунда.

Бундадир юз-юз минг етим-есирнинг  
Ёшидан нам бўлган табаррук тупроқ,  
Бундадир бешафқат, золим асрнинг  
Қоп-қора тунида ёнмаган чироқ.

Бундадир ёрига бир тун қовушмай,  
Қон қусган бенаво, навқирон ёшлик.  
Бундадир бир умр отидан тушмай  
Қиличлар ўйнатган ўт-бўрон ёшлик!

Бундадир фарзанди меҳрига қонмай  
Қўз юмган отанинг муқаддас қабри.  
Бундадир қиз севиб, ишқида ёнмай  
Бемаҳал ўқ тешган йигитнинг қалби.

Бундадир тупроққа қоришган тилак,  
Бундадир бўғзида қолган ашула.  
Бундадир орзуга етмаган юрак,  
Мангуга босиқдир совуқ тош ила!

Бундадир Ватани нимаки деди,  
Лаббай деб бажарган ҳалол хизматин.



Бундадир... о, барин санаб бўлмайди,  
Санаб бўлмагандек инсон хислатин!

Хулласи, бу ерда юз мингта шаҳид,  
Юз мингта мард солдат — қурбон ётади.  
Урушни лаънатлаб юз мингта йигит,  
Мангу бир тинчликни талаб этади!

Тингла эй, уларнинг нидосин, жаҳон.  
Қурбонлар ҳеч қачон ёлғон гапирмас!  
Уларнинг сўзига кирмаган инсон,  
Рост айтсам, дўстларим, чин инсон эмас!

1962,  
Крим.



## СЕН БАЪЗАН...

---

Сен баъзан ёшимни сўраб қоласан,  
Баъзида бошимга тикиласан жим.  
Сочимнинг оқидан ўйга толасан,  
Ҳа, рост-да, ёшликни ким севмайди, ким!

Балки сен ўйларсан: бевақт тушган оқ  
Кўнгилнинг армони, умрининг доғи.  
Рост айтсам, эй дўстим, ҳеч ўкинчим йўқ,  
Ҳамиша тип-тиниқ кўнглим чироғи.

Дейдилар, у менга ярашар эмиш,  
Майлига, ҳаттоки ярашмаса ҳам.  
Оқлиги кўнглимга солмайди ташвиш,  
Оқлигин гашти ҳам ўзи бир олам!

Гар сочим қорасин кўрмоқ истасанг,  
Уч ўғил бир қизим бошларига боқ.  
Сен менинг бошимдан излаганинг ранг,  
Уларнинг сочида ёнади порлоқ!

Мен удар қалбига нур бўлиб кириб,  
Умрини умримга пайванд қилганман.  
Сочимнинг қорасин уларга бериб,  
Оқини ўзимга олиб қолганман!

1962, 27 май.

## ИНТИЛИШ

---

Уфқим бор. Уфқимга қараб интилсам,  
Ортига чекиниб, кетиб боради.  
Мабодо мен ортга қайтгудай бўлсам,  
Кетимдан қувалаб етиб юради.

Уфқни қувламоқ одамнинг иши!  
Уфққа қувлатиб юрма ўзингни,  
Йўқотиб қўясан борар изингни!  
Доимо ютади интилган киши!

1976, март.  
Москва.



## УЧ-ТУРТТА ОҚ ТОЛА

---

Соқол оқи ўлимга пешровдир,  
Тириклик сабзаси узра қировдир.

Навоий.

Ўттизга етмасдан ўғил сочида  
Уч-тўртта оқ тола йилтиллаб қолди.  
Онаси кўрди-ю, куйиб ичида  
«Наҳотки...» деди-да, оғир тин олди.

Кун кеча эди-ку ҳовлида аста  
Эмаклаб юргани этаги боғлиқ!  
Наҳотки, ёшлиги ўтди бирпасда,  
Наҳотки, ҳаёти қолмиш саноғлиқ!..

Ўғлининг сочига тушганда кўзи  
Юраги зирқираб кетар ҳар сафар.  
Ўзининг оқ сочи, ажинли юзи,  
Мункайган қаддидан бугун беҳабар!..



## ОТАШ

---

Оташ деб ўғлингга қўйибсан исм,  
Оловдек гуриллаб ёниб турсинми?  
Ё ундан нур олиб бу кекса кўзим  
Чарақлаб порласин деганинг чинми?

Ё қизлар ишқидан эҳтиёт тутиб,  
«Тақилманг, ёнасиз!» деганингми бу?  
Ё қора тунларни тарки жон этиб,  
Дедингми ҳаётда мўл бўлсин ёғду!

Прометей ёдимга тушади шунда,  
Кўкси қон, чўққи қон, занжирлари қон.  
Лек ўзи уфққа кўз тикиб кунда,  
Умрини санайди бедард, беармон!

Ҳа, ундан ёдгормиш бизга бу олов,  
Фидолик рамзидир эртак бўлса ҳам.  
Қон ранги бор деса оловда биров,  
Ишонгин — қон тўкиб ёришган олам!

Қонда ҳам оловнинг тафти мавжуддир,  
Утюрак кишига жоним тасаддиқ.  
Утюрак кишини майдондан қидир,  
Лафзига, аҳдига ҳамиша содиқ!

Оташ деб ўғлингга қўйибсан исм,  
Оловдек гуруллаб ёниб турсинми?

Зулматга тик тутиб оташин кўксин  
Курашда бахтини синаб кўрсинми?

Бир исм кифоя қилмайди лекин,  
Исмга яраша журъат ҳам керак,  
Журъатга муносиб бўлолса юрак,  
Забт этмоқ лозимдир ақл-идрок мулкин!

Исмига яраша қалби ҳам бўлса,  
Оҳ, қани ҳамиша гуриллаб ёнса!  
Гуриллаб ёнса-ю, эл-юрт қувонса,  
Эл-юртининг хилвати нур билан тўлса!

1976, ноябрь.



## СОҶОЛ ҲАҚИДА

---

Сен соқол қўйибсан, чиройли соқол,  
У сенга бирмунча ярашибди ҳам.  
Ўзингча кашф этиб ўзга бир олам,  
Ўзингча юрибсан мағрур ва хушҳол.

Мен сенга термулиб қоламан ҳайрон,  
Наҳотки, ёшликдан безибди, дейман.  
Наҳотки бемаҳал совиб қайноқ қон,  
Қалбида кексалик сезибди, дейман.

Биламан, болалар болалигида  
Тез катта бўлмоқни қилади ҳавас.  
Сен ахир йигит-ку, чўнг билагиди  
Ёшликнинг виқори ёнган басма-бас.

Наҳотки ёшликдан шунча тез тўйдинг,  
Наҳотки таптига беролмадинг дош,  
Наҳотки ўтида бемаҳал куйдинг,  
Ҳижронга отдими бирор қаламқош!

Ё сени ёшликнинг азимкор қўли  
Бир синиқ сополдай улоқтирдими?  
Ё сени босдими гумроҳлик сели,  
Алдамчи хаёллар йўлдан урдими?

Кексалик хилватин ё тинчроқ билиб,  
Бошпана қидириб қолдингми, қочоқ,  
Бегона мавсумдан ўлжа қидириб,  
Бегона завқларга очдингми қучоқ?

Кишилар ёш ўтиб сипо тортганда  
Соқолни ўзига кўради раво.  
Нега сен ёшликни қилиб бот канда,  
Дардингга изладинг соқолдан даво!

Ё тентак ҳавасми, ё бебош қилиқ?  
Шундайми? У ҳолда соқолни қирдир.  
Ёшликка ёшликнинг ўз кўрки лойиқ,  
Ёшликда ёшликнинг гавҳарин қидир!

Ҳар ёшнинг ўз гашти, ўз жамоли бор.  
Бегона завқ-шавқни қилма ихтиёр!

1972





## СИРЛИ ОЛАМ

---

Муҳаббатнинг тили йўқ, соқов,  
Муҳаббатнинг қулоғи йўқ — кар.  
Чақирганга келмайди дарров  
Ва кетмайди ҳайдасанг агар.

Илтимосни қилмайди писанд,  
Молу дунё, мансаб бари пуч.  
Сен дардидан бўлдингми хурсанд  
Довонлардан қўрқма, юксал, уч!

Ҳеч ким унинг рангини билмас,  
Қайси йўлдан бориш ҳам мубҳам.  
Масофани назарга илмас,  
Бир қадамдир иккала олам!

Қайси бир сўз келадию мос,  
Қайси куйга беради садо?  
Ёки хосми ишва билан ноз,  
Ёки тоғдан кўчган акс-садо?

Гул баргига қурганми макон,  
Ёки қирлар сайргоҳими?  
Ё кафтингга кирганда тикон  
Чеккан ноланг севги оҳими?

Неча ёшга ярашади у,  
Неча ёшда тарки дил бўлур?  
Неча ёшда мисоли оҳу,  
Чўққилардан сакратиб қолур?

Қўз ёшига раҳми келурми,  
Ё кулгини ёқтирадимми?  
Ё сафарда йўлдош бўлурми,  
Ё маъқулми кўнгилнинг жими?

Ҳеч ким билмас, ҳатто мубтало  
Тавсифини қилиб беролмас.  
Баъзида бахт, баъзида бало,  
Баъзида у жонга қилар қасд.

Баъзида у юлдузлар аро  
Ўз кўшкига таклиф этади.  
Баъзида у девонанамо  
Саҳроларга бошлаб кетади.

Қўлларингга тутиб даста гул,  
Висол онин ваъда қилади.  
Баъзан ёри қошида кўнгил  
Ўзин етти ётдек билади.

У ҳеч кимдан сўрмас ижозат,  
Ўзи кириб борар кўнгилга.  
Кўтар, дейди, қаддингни азот,  
Нурли кўз-ла қара дер, элга!

Аmmo қўлин боғлашга бермас,  
Бўйнин эгиб турмас бирор он.  
Таклиф қилсанг саройга кирмас,  
Унинг мулки шу ёруғ жаҳон.

Ким тақияқлаб қулф солса унга  
Ўзи бўлур охир шарманда!  
Нурдай сингиб кетади тунга,  
Ўз одатин қилмайди канда.

Унинг қадрин билмаслик гуноҳ,  
Севги қадрин билганга шараф!

Ҳавас қилсин, ким бўлса муштоқ,  
Ишқ ўтида ёнганга қараб!

Ёниб-ёниб мусаффо бўлган  
Ҳар юракнинг ўзи бир олам.  
Бир оламки, нур билан тўлган —  
Жаннат руҳи мангу жамул-жам!

У нур қўйган кўнгил мулкига  
Асло қўнмас чанг, тўзон, ғубор.  
Хусн қўшиб олам кўркига  
Дейди:— Қани, мардлараро бор!

Ошиқ доим марди-майдондир,  
Мисоли шер ҳамла онда.  
Лочин каби кўзлари ўткир,  
Олов қайнар юрак қонида!

Муҳаббат у сирли бир олам,  
Ҳар юракда ўз китоби бор.  
Шу китобни ўқиган одам  
Деса ҳақли:— Менман бахтиёр!

У мўъжиза! Таърифин минг йил  
Қуйласанг ҳам бўлмайди адо.  
Қим мубтало бўлибди — қойил,  
Қилаверсин жонини фидо!

Севги кучи фидоликдадир,  
Ошиқ юрак ҳар ишга қодир!

1976, октябрь,  
Қораболта шаҳри.



## МЕРОС

---

### Уғил-қиз фарзандларимга

Мен сени ўстирдим силаб-сийпалаб,  
Едирдим, ичирдим, тоза кийдирдим.  
Терласанг манглайдан теринг сидирдим,  
Қоқилсанг турғиздим кўнглиннга қараб.

Тақдирдан шикоят қилмадим сенга,  
Сенга ҳам шу йўлни маслаҳат бердим.  
Адашсанг ҳақ йўлни кўрсатиб турдим,  
Покликдан нур қуйдим мурғак кўксиннга.

Шукурки, камлигим йўқдир бошқадан,  
Бировга тикмадим ҳасад кўзини.  
Иккита қилмадим устоз сўзини,  
Дўстларим сафидан узмадим қадам.

Сочларим оқарди, йўлим қисқарди,  
Баъзи бир тишларим ўзимникимас.  
Дўстлар ҳам камайди, энди бут эмас,  
Киприкда, қошимда йўлларнинг гарди.

Гоҳ дилим ўйнайди, гоҳ босим баланд.  
Гоҳ бошим айланиб, тўхтаб қоламан.  
Энтикиб-энтикиб нафас оламан,  
Даҳшатли ўйларга фикрим бўлиб банд.

Шунда ҳам ўлимдан қўрқмайман, ўғлим,  
Ўлимдан қўрқмоқлик номардиннинг иши.  
Рост айтсам, ниятим чала қолиши  
Бағримни қилади тилим ва тилим!

Қулоқ сол, эй ўғлим, вақтики етиб  
Мен ёруғ дунёдан кўзимни юсам,  
Демакки ижоддан тўхтасам, тинсам  
Уйма-уй изғима зўр мерос кутиб.

На бордир мол-мулким, на мўмай пулим,  
Дўстларим ясайди умримга якун.  
Сен учун меросим пок умрим, лекин  
Ундан ҳам азизи ўз она тилим!!

1972, январь.



## ҚИРҒОҚЛАР

---

Икки юрак — икки ён қирғоқ,  
Қоқ ўртада севги дарёси,  
Тўлқинидан икки қалб уйғоқ,  
Икки қалбда нозу ҳаёси!

Бир-биридан кўзин узмас ҳеч,  
Бир-бирига йўллайди салом.  
Мавжлар сочса бирига севинч,  
У бирида ҳасратдан илҳом.

Бирин бахти бирига мадад,  
Бирин дарди бирин ўртайди.  
Иккисида армонлар беҳад,  
Бар тутқизмас хаёли дайди!

Бир-бирига гоҳ келиб яқин,  
Гоҳ яна кетади йироқ.  
Яқин келса хушнуду дуркун,  
Узоқ кетса ўкинчу фироқ.

Бир-бири-ла топишмай ҳамон,  
Бир-бирига зор-зор оқади.  
Қоқ ўртада тўлиб беармон  
Севги отли дарё оқади.

1976, ноябрь.

## СЕНИ СЕВДИМ...

---

Сени севдим жону дил билан,  
Сени севдим, бўлмадинг иқрор.  
Сени севдим ширин тил билан  
Қиё боқиб ўтмадинг бир бор!  
Йиллар ўтди, ўтди ёшлик ҳам,  
Тинди қалбда жўшқин урган қон.  
Қалбим титрар ҳамон эсласам,  
Ҳамон бордир кўнглимда армон!  
Сендан олдин умрим тугаса,  
Сен борсанки, демак тирикман.  
Ҳеч ишонма у ўлди деса,  
Ҳаётингга доим шерикман.  
Йўлларингда чечак учраса,  
Яшнаб турса, бил, ўша менман.  
Боғларингда чаман барқ урса,  
Нур уфурса, бил, ўша менман.  
Эрта баҳор келиб қалдирғоч  
Салом деса, бил, ўша менман.  
Баҳор келиб бошингга гултож,  
Еллар эсса, бил, ўша менман.  
Чанқовингни қондирса булоқ  
Бағрин очиб, бил, ўша менман.  
Тунлар йўлинг ёритса чироқ  
Шуъла сочиб, бил, ўша менман.  
Кетолмайман ҳеч сендан йироқ,  
Инонма сен менинг қабримга!  
Аслида мен севган кунимоқ  
Кўмилганман сенинг қалбингга!

1959, Ереван.

## ИЛҲОМ

---

(Оқ шеър)

Тун яримда кўчамдан ўтсанг,  
Ёниб турса битта дераза,  
Демакки, мен уйғоқман ҳали,  
Ҳали меҳмон илҳом париси.  
Сен бемалол эшигимни қоқ,  
Тортинмасдан киравер, дўстим.  
«Янги шеърин илк китобхони  
Мен бўлдим!» деб керилма лекин.  
Тонгда туриб ўқиганимда  
Балки уни йиртиб ташларман.  
Кейин мендан юрма сўроқлаб,  
Бу саволнинг бўлмас жавоби!  
Баъзан илҳом чиндан келади,  
Чиндан сени хурсанд этади.  
Баъзан эса, ёлғончи каби  
Сохта бир гул ташлаб кетади!

1977, 1 февраль

Ашхабод





## ЮЛДУЗЛАР

---

Мен бундоқ қарасам кўкда юлдузлар  
Бир-бирга ўхшаш ёнар, ялтилар.  
Гўёки ҳаммаси бир тилда сўзлар,  
Гўёки совуқ тун бирдек қалтирар.

Ва лекин барчаси бир хилда эмас,  
Биттаси яқиндир, биттаси йироқ.  
Барчаси бир хилда шуъла ҳам сочмас,  
Биттаси кичикдир, бири каттароқ.

Юлдузга ўхшайди ерда одам ҳам,  
Турлича ранг-рўйи, феъли атвори.  
Биттасин бағрига жойлашса олам,  
Биттасин кўнгли тор, қил сиғмас бағри!

Биттаси умрбод порлаб ўтади,  
Биттаси кўзингга ташланар аранг.  
Биттасин ёшликдан ёниқ омади,  
Биттаси бахтини доим босган чанг!

Эҳтимол шу сабаб осмонга боқиб,  
Юлдузин ахтарар ерда кишилар.  
Энг порлоқ юлдузни ўзига тақиб,  
Шу порлоқ юлдузни доим олқишлар!

Эҳтимол шундандир юлдуз учганда  
«Оҳ, кимнинг юлдузи сўнди» демоғи.  
...Осмонни ҳеч юлдуз қилмасин канда,  
Ҳеч кимнинг ерда ҳам сўлмасин боғи!

1977, февраль.

## БУЛОҚ

---

Умримни гар десанг қайнар бир булоқ,  
Тубида тип-тиниқ сувлари бордир  
Шу тиниқ сувлари ёшлигим, ўртоқ,  
Тош отиб лойқатма, шундайча қолдир.

Шундайча қолдир-у, чанқоқлигинг бос,  
Лек булоқ сувидан тўлқинлар кутма.  
Тўлқинлар денгизда бўлади, холос,  
Аммо у шўр, дўстим, лабингга тутма!

Тўлқинлар истасанг, денгизларга боқ,  
Сокинлик, ўйчанлик рамзидир булоқ!

1976, март.



## У МЕНИ СЕВМАДИ...

---

У мени севмади,  
Мен севдим жондан,  
Ёшлигим барқ урган илк баҳор кундан.  
Ва лекин, эй Тақдир,  
Илтимос сендан  
Шафқату меҳрингни аяма ундан!

Майли, у севмасин мени умрбод,  
Ва лекин умрбод бахтли бўлсин у.  
Ҳамманинг бошини силамас ҳаёт,  
Шу қизга онадек бўлиб қолсин у.

Юзига туширма бемаҳал ажиш,  
Сочини асрагин оқ толалардан.  
Яхшилик синасин бардош ва кучин,  
Ҳоли қил қалбини оҳ-нолалардан.

Тилига калом бер эзгу ва ширин,  
Ақлини расо қил,  
Фикрини ёниқ.  
Ниятин холис тут,  
Сирин яширин,  
Уфқини равшан қил,  
Йўлини аниқ.

Бахт уйин тўлдирма қора тутунга,  
Кўзида ёшини кўрмасин кўзим!  
Дард бўлса менга бер,

Роҳатин унга.  
Ҳар қанча ғам бўлса чекай мен ўзим!

Ҳеч кимса дилига бермасин озор,  
Ҳеч кимса йўлига ташламасин тош.  
Ноҳақлик дардидан йиғламасин зор,  
Зўравон қаҳрига беролсин бардош.

Кўзини очиқ тут,  
Рақиби ногоҳ  
Хилватда оёғин чалиб кетмасин.  
Эзгулик уфқига тикканда нигоҳ  
Ширин сўз номардлар йўлин кутмасин!

Яна бир илтимос:  
Унинг ишқини  
Ҳеч кимса қалбимдан юлқиб олмасин.  
То тирик эканман севги тошқини  
Ўзга бир қирғоққа ҳавас қилмасин!

Мен ундан олдинроқ оламдан ўтсам,  
Умримнинг қолганин унга кўшиб бер.  
У узоқ яшасин гар севмаса ҳам,  
Ишқимнинг ҳурмати қалбим шуни дер.

Агар у бировни севгудай бўлса,  
У йигит менингдек севолса шояд.  
Севса-ю, ишқида умрбод қолса,  
Мен ундан миннатдор бўлардим ғоят!

У фарзанд кўрганда,  
Фарзанд ғамидан  
Ёқасин йиртмасин сочини юлиб.  
Тўқсон йил яшасин жуда камида,  
Ҳамиша хушчақчақ, бардам ва кулиб!

1977, январь.

## ОНА ТИЛИМ — ШИРИН СЎЗИМ

---

Ҳар сўзда минг йилнинг тарих юки бор.  
Ҳар бири бир олам синовдан ўтган.  
Баъзида йиғлаган ўксиб-ўксиб зор,  
Баъзида ботирлар этагин тутган.

Баъзида нур бўлиб йўлни ёритган,  
Гоҳида бўйнига ташланган сиртмоқ.  
Гоҳида меҳридан тошни эритган,  
Гоҳида ҳайқирган:— Кўзларингга боқ!

Бировлар ўқ отган, бировлар бўғган,  
Бировлар зиндонда тутган тушовлаб.  
Бировлар кек билан кетидан боққан,  
Бировлар камситган таъна гап ташлаб!

Қийналган, инграган, аммо ўлмаган,  
Қоп-қора қонига беланган беайб.  
Хуш-хандон бўлса ҳам йиллаб кулмаган,  
Ва лекин қалбини қилмаган майиб!

Кўксида сақлаган бутун кучини,  
Фазилат, кўркига қўндирмаган гард.  
Рақибдан олгану баъзан ўчини,  
Лек золим қўлида бўлмаган номард!

Асрлар ўтса ҳам мағрур қад билан  
Истиқбол уфқидан узмаган кўзин.  
Қадрини байроқдек кўтариб баланд  
Жанг-жадал, курашга шай тутган ўзин!

Охири курашда чиқди-ю ғолиб,  
Жаҳонга кўрсатди ўзин баралла.  
Оҳ, сўзим, тилгинам, бағримга олиб,  
Гўдакдек эркалаб айтайми алла!

Ё мадҳинг ёзайми ифтихор билан,  
Кўксимда барқ урган навбаҳор билан!  
Оҳ, азиз тилгинам, иқболинг баланд,  
Ҳар сўзинг бир қуёш, қани кел, нурлан!

Кел! Нурлан, нурлансанг арзийди энди,  
Бошингни кўтариб олам узра боқ.  
Боболар бўй-бастинг кўрсайди энди,  
Дунёга сиғмасдан қувнарди қандоқ!

Шунчалар очилиб кетибди ҳуснинг,  
Шунчалар бойсанки, сержилва, рангдор.  
Ойнага қарасанг яшариб ўзинг,  
Бахтингдан миннатдор бўласан минг бор!

Оҳ, она тилгинам, ширин сўзгинам,  
Бахтингга тасаддиқ бўлай ўзгинам!  
Тилини севмаган номард бўлади,  
Номарддан элу юрт, тарих кулади!

Мен сенга фидомаи умрим борича,  
Меҳрингда адомаи умрим борича!

1976, декабрь.



## ИШҚ

---

Баҳорда гул яшнаб, қишда қор ёғиб,  
Саратон яллиғи сочаркан олов,  
Севгини ҳеч кимса сигирдай соғиб,  
Тойчадек бўйнига солганмас жилов.

У жумбоқ — Афлотун ақли етмаган.  
У шеър — Навоий куйлаб битмаган.  
У юлдуз — Улуғбек кашф этолмаган.  
У кўприк — Искандар забт этолмаган.  
У чўққи — альпинист оёқ қўймаган.  
У қўшиқ — ҳеч инсон ҳали тўймаган.  
У йўлдир — сўнгини кўз илғамаган.  
У денгиз — тубини ел тўлғамаган.  
У чаман — шайдоси яйраб юрмаган.  
У найза — учида томчи турмаган.  
У ҳайкал — шаклини ҳеч ким чизмаган.  
У нурдир — тезликда ҳеч ким ўзмаган.  
Минг бир ранг, минг бир тус, минг бир  
хилдадир,  
Беқиёс тасвири сонсиз тилдадир.  
Номи йўқ кашфиёт, ранги йўқ бўёқ,  
Қайғуси қувончдир, шодлиги фироқ.  
Ҳар қалбга тўғрилаб қўйилган ўқдир,  
Гар тегса шу зотнинг армони йўқдир!

1974, октябрь.

## АЖИН

---

Юз-кўзимга тушган ажинлар  
Йилларимнинг қат-қат варағи.  
Варақлаб кўр — бир-бир очилар  
Жавоби йўқ умрим сўроғи.

Яхшилаб боқ: ҳар бир сатрида  
Олам-олам сирли белги бор.  
Шундай сирки, унинг қаърида  
Қанча қайғу, қанча кулги бор.

Ҳатто унда — ўзим унутган  
Қанча-қанча нурли излар бор.  
Тилсиз бўлиб мангуга қотган,  
Тилга келмас оташ сўзлар бор.

Ҳатто ўзим тилга ололмай  
Қалбда ёнган олов ҳам унда.  
Кўз ёш томиб ичилмаган май,  
Аччиқ ҳижрон бари жам унда!

Гоҳ ёзилмай, гоҳ чала қолган  
Сатрларнинг армони унда.  
Беиз келиб, беиз йўқолган,  
Ҳис-туйғунинг макони унда.

Унда мавжуд қадрин топмаган  
Заҳматларнинг соқов фарёди.  
Жангга кириб бахти чопмаган  
Марди-майдон йигитлар ёди!



Бевақт кетган фарзанд алами,  
Ё онанинг тўймаган меҳри,  
Ё тўсатдан кулган бахт дами  
Босиб кетган ўчмас ўз муҳрин!

Дунё шундай: умр йўлида  
Ҳар лаҳзанинг изи қолади.  
Баъзан изни киши дилида,  
Гоҳ юзида олиб қолади!

1976, февраль.



## ДАРЕГА ХИТОБ

---

Сен дарё бўлсангу, жарликда оқсанг,  
Боғ-роғга бепарво, қуйидан боқсанг.

Нафингни кўрмаса ўт-ўлан, ниҳол,  
Мен сени олқишлаб, севишим маҳол.

Бунчалар зиқнаю бахилсан ахир,  
Атрофга назар сол: қуп-қуруқ тақир.

Бир томчи сувингни қилмай бегона  
Керилиб оқасан денгизга ҳамон

Ва яна дейсанки, бу тупроқ она,  
Бу сўзинг чинлиги, рост айтсам, гумон!

Оғзингни бекорга кўпиртирма, қўй,  
Қудрату ҳимматдан лоф ҳам урма, қўй.

Қим сенинг номингни олади тилга,  
Қим сени улуғлаб ёяди элга?

Қим сенга қўшиғу алла айтибди?  
Барча дер:— Бекорга оқиб ётибди!

Фақат бир дарёсан назардан йироқ.  
Юрагинг тошдандир, ўзинг бақироқ.

Ё мағрур тентаксан, ё назари паст,  
Эл-юртнинг бахтини қилмайсан ҳавас!

Мард бўлсанг қани чиқ жардан юқори,  
Бағрингни куйдирсин саҳролар зори.

Тармоқлаб-тармоқлаб дала-қирга оқ,  
Ўтганинг йўлларга сўнгра ўзинг боқ!

Яшиллик кўзингни тўлдирса нурга,  
Мен шунда бўламан сен билан бирга.

Олқишлаб-олқишлаб мадҳинг қилурман,  
Мен сени танти, мард, сахий билурман.

Сахий бўл, сахийлар машҳури олам!  
Меҳрингга муҳтождир боғу роғ, далам.

1976, ноябрь.



## АГАР...

---

Қувончингдан йиғласанг, эркам,  
Кўз ёшингда қуёш кўраман.  
Агар сени ўкситса алам,  
Ҳар томчида бир тош кўраман.

Шодлик билан ташласанг нигоҳ,  
Керак эмас тунда ҳам чироқ.  
Бағринг ёниб, агар тортсанг оҳ,  
Шунда тушар сочларимга оқ!

1977, февраль.



## ҚҰМСАШ

---

Сўқмоқ билан келардим сенга,  
Таниш эди сенга у йўллар.  
Бошин қўйиб баъзан кўксингга,  
Бир-бирини тингларди диллар.

Кетар эдим яна шу йўлдан,  
Қайтар эдинг сен ҳам изингга.  
Билдим бир кун — севмасдинг дилдан,  
Буни уқдим қараб кўзингга!

Йигит эдим гурури баланд,  
Оёғимни тийдим шу кундан.  
У сўқмоқни ўтлар қилди банд,  
Ўт чайқалар ел тўлқинидан.

У сўқмоқдан қолмади нишон,  
Сендан ҳам йўқ бирон бир дарак.  
Шу атрофдан ўтганим замон,  
Алланечук уради юрак!

1977, февраль.

## СЕВГИНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

---

Тоқтош-ку, севгини кўп эски нарса,  
Ҳар юрак янгилаб туради, деган.  
Хўш, унда бирор ёш гап сўраб қолса,  
Қайси юрт ва элда туғилган экан?

Қайси гул назарин тортибди аввал,  
Не учун баҳорга ишқибоз бунча?  
Не учун нуридан олам мунаввар,  
Не учун кўзига чиройли ғунча?

Не учун севганда кўзга келар ёш,  
Хилватда бир ўзи нега урар оҳ?  
Қалбига тушгандек сўнмас бир оташ,  
Дўстига дер доим:— Мендан бўл огоҳ!

— Бунчалар кўп экан саволинг сенинг!  
— Бўлмаса севгининг ёши нечада?  
— Ушанча, нечани истаса кўксинг,  
Лекин у туғилган ойдин кечада!

У ўзи бир дунё дунё ичида,  
Мард олиб юради қилич учида!

1977, февраль.

## ШЕЪР БИЛАН ЁШЛИК ЭГИЗАК

---

Шеър билан ёшлик эгизак,  
Иккисининг юраги битта.  
Битта қалбдан ҳамнафас десак,  
Хато бўлмас, дўстим, албатта!

Ёшлик ўтиб, қалб ўти сўнса,  
Шеърдан ҳам кетар ҳарорат.  
Ёки шеър дуд сочиб ёнса,  
Билинг, шоир қарибди, албат!

Ялт-юлт ёниб қолса ҳам гоҳ-гоҳ,  
Шуъла сочиб, гуриллаб турмас.  
Гўё ўтга ташланган нам шох,  
Нам шох эса ўт нафас урмас!

Ёшлик ўзи яхши бир назм,  
Яхши назм ёшликка монанд!  
Иккисини қўш кўрса кўзим,  
Иккисининг тилларига қанд!

1977, январь.



## ҚАЛБИМНИ ҚАЙТАР ҰЗИМГА

---

Сен кетдинг кузда, қолдим кузатиб,  
Елғиз бир ўзим.  
«Омон қайт!»— дедим қўлим узатиб,  
Кўзингда кўзим.  
Ўзим қолдиму юрагим сенинг  
Измингда кетди.  
Орзу-умидим, тилагим сенинг  
Кўзингда кетди.  
Қайтар чоғингни кутдим интизор,  
Кўзим тўрт бўлиб.  
Шаҳардан қайтдинг айни навбаҳор,  
Қалбинг ёт бўлиб.  
Ўзинг ўша-ю, кўзинг ўша-ю,  
Юрагинг бошқа.  
Бағрингга аста қўлим солсам, у  
Ухшайди тошга!..  
Лекин сен менинг қалбимни қайтар,  
Қайтар ўзимга!  
Кейин кўринма, эй севги сотар,  
Асло кўзимга!!





## ЕШИНГНИ САНАМА!

---

Ешингни санама, яшайвер яйраб,  
Умрнинг ёш билан қанча иши бор!  
Ажал ҳам келмайди ёшингга қараб,  
Ажалнинг йўлини тўсмоқлик душвор.

Келажак боқади ёш эмас, ишга,  
Иш билан умрини чўзади киши.  
Ҳар кунинг сазовор бўлса олқишга,  
Баҳордан гўзалдир умрнинг қиши!

Ўттиз йил яшаган гўнг қарға эмас,  
Ун йилча яшаган бургут иззатда.  
Қалбингда ҳалоллик, қудрат бўлса бас,  
Ўзингни масъул тут эл хизматида!

Ешингни санама, яшайвер яйраб,  
Ёш билан ўлчанмас умр муддати.  
Яхшилар тобути кетидан қараб:  
«Эҳ, аттанг!» демоқлик элнинг одати.

Минстр ё олим бўлиш шарт эмас,  
Одамсан, одамдек яшаб ўтсанг бас!

1976, ноябрь.

## КЎЗЛАР ҲАҚИДА

---

Менинг кўзим тимқора эмиш,  
Киприкларим қалин ва таранг.  
Сенинг кўзинг мовий ёнармиш,  
Киприкларинг сариқ, тилла ранг.  
Менинг кўзим Ҳофиз ғазали,  
Навоийда топмиш тасвирин.  
Қора кўзли шарқнинг гўзали,  
Яхши билар муҳаббат сирин.  
Сеники ҳам мубтало бўлса,  
Ҳазилакам куйиб ёнмайди.  
Ишқдан бошга гар қилич келса,  
Содиқ қолиб, асло тонмайди.  
Муҳаббатда кўзнинг фарқи йўқ,  
Ҳамма кўзда осмон мовий ранг.  
Қуёш кўкда ёниб турган чўғ,  
Алам ўтса асаблар таранг.  
Кўм-кўк — баҳор чоғида майса,  
Кўзда эса сап-сариқ хазон.  
Қор оқидан ҳамма кўз толса,  
Ҳамма кўзда қип-қизилдир қон!  
Ҳаммаси ҳам бағри ўртанса,  
Аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкади.  
Бахти кулиб, шодликдан ёнса,  
Ҳар юракка умид экади.  
Демак кўзлар бир хил кўради,  
Фақат ранги ҳар хил, ранг-баранг.  
Демак кўзлар рангига эмас,  
Кўзлар туби — юракка қаранг!  
1976, декабрь.

## ЛОЧИН

---

Лочинда одат бор: сўнгги онда  
Чўққидан қуйига ўзин отади.  
Мажолсиз ҳолини нодўст ёнида  
Намойиш бўлишдан дариг тутади.

Мурдаси қайларда қолиб кетса ҳам,  
Дўстларим кўзида кўрмай дейди ёш.  
Ёш, дейди, юракдан силқиган алам,  
Кўз ёшдан қурийди мадору бардош!

Лочинлар чўққини этади канда,  
Судралиб юришдан ҳазар қилганда!

1976, октябрь

\* \* \*

Баҳорда кел, дединг,  
Борсам йўқ эдинг.  
Ёз ойи кел, дединг,  
Борсам йўқ эдинг.  
Куз келди. Кузда ҳам  
Борсам йўқ эдинг.  
Қиш ўтди. Қишда ҳам  
Ҳали кут, дединг.

Севгилим, сен кутган бешинчи фасл,  
Билмадим, келади қайси бири йил!  
Наҳотки келади!

1977, март,  
Москва

## БАҲОР КЕЗИДА

---

Эсимда: бир маҳал баҳор кезида  
Юзимдан чўлп этиб ўпди-да бир қиз,  
Чопқиллаб қочганча йўқолди беиз...  
Ҳаққим йўқ турмади десам сўзида:  
На бир сўз айтганди, на бир ишора...  
Шу бўса ҳали ҳам юзимда чақмоқ,  
Эҳтимол сочимга оралаган оқ  
Шу кундан бошланган бўлса на чора!

1977, январь.

## АТТАНГ...

Фарёд уриб, нолиди йигит,  
Писанд қилмай ўтди қиз аста.  
Йигит қолди қалби сочиб ўт,  
Қўлларида чаман гулдаста.

Йиллар ўтди. Йигит шарт юлиб —  
Отди севги гулин кўксидан.  
Энди эса, қиз келар кулиб,  
Асал томиб ҳар бир сўзидан!

Йигит эса парвойи фалак,  
Муздек совуқ ишқ сўнган юрак!

1977, январь.

## СЕН-ЧИ?

---

Иккимиз синфдош студент эдик,  
Дарсдан сўнг ёнма-ён кетардик бирга.  
Баъзида кулардик қувноқ ва тетик,  
Баъзида уялиб қарардинг ерга.

Кузатиб мен сени сой бўйига  
Орқамга қайтардим ўзимда йўқ шод.  
Кузатсам дер эдим, оҳ, уйига...  
Чеки йўқ гўзалди бу йўл, бу ҳаёт.

Қандайин ўтганин билмасдим кеча,  
Минг ўйлар келарди масъум кўнгилга.  
Эрталаб синфда сени кўргунча,  
Кўзларим жовдираб боқарди йўлга.

Бир куни дедингки: «Кузатма, қўй, бас!»  
Сен кетдинг бир ўзинг.

Мен қолдим ҳайрон.

Сабаби ҳали ҳам менга маълуммас,  
Ҳали ҳам ёдимда ўша машъум он!

Кун ўтди, ой ўтди...

Ўтди неча йил...

Сочимга оралаб қолибди туман.  
Баъзида ёшликни қўмсаб қолиб дил,  
Ҳу, ўша кўчадан ўтаман.  
Сен-чи?

## ДУСТИМГА БЕРГАН САВОЛИМ

---

Яхши кунлар бир пиёладан  
Ешлик учун ол шароб ичдик.  
Лола излаб боғу даладан  
Бирга-бирга қиру сой кечдик.

Бир гул топсак, ардоқлаб тутиб,  
Навбат билан бир-бир ҳидладик.  
Тор кўприкдан қўл ушлаб ўтиб,  
Ариқлардан бирга ҳатладик.

Бир кўчадан бориб ёнма-ён  
Бир кинони бирга кўргандик.  
Бир хил эди орзу ва армон,  
Севги сирин бирга ўргандик.

Бир кўйлакни баъзан галма-гал  
Қийиб чиқдик қиз ваъдасига.  
Неки ўтса ҳаммасин тугал  
Ўртоқлашдик кун эртасига!

Бари яхши! Ёқар хушимга!  
Айт-чи, дўстим, боқмасдан ерга:  
Гар қора кун тушса бошимга,  
Бўласанми шунда ҳам бирга!

1962.

## МЕНДАН ЯШИРМА

---

Сен бугун келмадинг ваъда ерига,  
Сен келар томонга боқиб толиқдим.  
Шу куни тушунмай қалбинг сирига  
Баъзида ўкиндим, баъзан ҳовлиқдим.

Бағрида эзгилаб шубҳа гирдоби  
Не ҳолга солганин билсайдинг шунда!  
Ялт этиб чиқарми меҳрим офтоби  
Деб, ҳулкар оғгунча кўз тутдим тунда!

Йўқ, сендан бўлмади, азизим, дарак,  
Бошимни мен қуйи солганча кетдим.  
Қафасга тушгандек типирлаб юрак,  
Танишу билишдан ёшим беркитдим.

Қим тўсди йўлингни! Қора кўзлими!  
Ё мовий кўзлининг кўл сокинлиги!  
Ё фаттон кўзлими, ширин сўзлими!  
Ё бўта кўзлининг суқ дуркунлиги!

Лекин айт, азизим, мендан яширма,  
Бир қалбда яшамас икки ёр ишқи!  
Бирини беҳуда қийнама, сирма,  
Барибир яшириб бўлсайкан кошки!

Алданиб севгили бўлгандан кўра,  
Айрилиб, қон йиғлаб ўтган яхшироқ!

1962.

## СЕВГИМДА ЁН ДЕЙСАН

---

Севгингни сен мендан азиз тутасан,  
Севгимда ён дейсан умринг борича.  
Хўп, ёнай! Яна сен нима кутасан?  
Айт, борми ўзингда шафқатдан пича?

Майли, мен ёнайин севгинг ўтида,  
Кўкларга соврилиб кетсин кулларим!  
Сен ўтган кўчанинг йироқ четида  
Чанг босиб, қовжираб сўлсин гулларим.

Шундан сўнг, айт эркам, сенга бағишлаб  
Қим шеърлар ёзади мен каби ёниб!  
Қим сени ҳар куни тонгдан олқишлаб,  
Йўлингни кутади гул билан толиб?

1962.





## ОҚ ШЕЪР

---

Севсанг мени ёшлигимда ҳам,  
Опоқ сочли чоғимда ҳам сев.  
Севсанг мени бойлигимда ҳам,  
Қашшоқ юрган чоғимда ҳам сев.  
Севсанг мени кийим ярашган,  
Ярашмаган чоғида ҳам сев.  
Гар бахтимдан умидвор бўлсанг,  
Бахтсиз юрган чоғимда ҳам сев.  
Сенинг севгинг ракета бўлиб  
Юксакларга учирса шояд.  
Учиришга қодир бўлмаса,  
Нега керак бундай муҳаббат!?

1962.



## ЙИҒЛАМА ҲЕЧ ҲАМ

---

Бир кўча қиз кулади хандон,  
Гар ўзингни кўрмасам ҳам, жон,  
Сенинг кулгинг таниб оламан!

Лекин йиғлаб қолгудай бўлсанг,  
Фарёд уриб, ҳасратга тўлсанг,  
Ажратолмай дарда қоламан.

Чунки сенинг йиғлаган чоғинг,  
Нима қилай, кўрмаган бўлсам!  
Яхшиси, сен йиғлама ҳеч ҳам.

1977, февраль



## ДАРДИНГ БҰЛСА, АЙТ...

---

Истаган чоҒ  
Эшигимни қоқ.  
Тортинмасдан киравер, ўртоқ.  
Дардинг бўлса, айт,  
Қалбингни бўшат!  
Ўртада нон,  
Истасанг ушат!  
Керак бўлса берай маслаҳат,  
Қарз керакми, ма, ол, бемуҳлат.  
Соз керакми, мана танбур, чал,  
Орзулардек кўкларга юксал.  
Ўтган бўлса алам жонингдан  
Майли, сўйла, жилмай ёнингдан.  
Кўз ёш тўксанг артаман ўзим,  
Йўлларингда доимо кўзим!  
Лекин келма менинг қошимга  
Ғаламису ғийбат сўз топиб.  
Бундай сўзлар келмас ҳушимга,  
Ва кетаман эшигим ёпиб!!

1977, февраль



## БОИСИ ҰЗИНГ

---

Мен оламини нурга тўлдириб,  
Хандон урсам — боиси ўзинг.  
Қучоғимга гуллар тўлдириб,  
Йўлда турсам — боиси ўзинг.  
Саҳар туриб гар нолиш қилсам,  
Кўз ёш тўксам — боиси ўзинг.  
Текис йўлда ногоҳ қоқилсам.  
Тойиб кетсам — боиси ўзинг.  
Қўшиқ бўлса ҳар сўз тилимда,  
Янграб турса — боиси ўзинг.  
Обру топсам севган элимда,  
Бахтим кулса — боиси ўзинг.  
Сенсан бахтим, сенсан кўз ёшим,  
Сен булутим, сенсан қуёшим.  
Йиғлаганда кўз ёшим ўзинг,  
Яйраганда қуёшим ўзинг!

1977, январь



## МАЙЛИ, БАХТИЁР БЎЛ!

---

Сувга боқдим, олиб кетди ўйларимни,  
Шамол келиб юлқиб кетди куйларимни.  
Рўпарамдан бир қиз ўтди — қирқ кокилли,  
Деган каби «кўриб қўйгин бўйларимни!»

Қадди расо, ўзин эса ғунча дейсан,  
Истараси иссиқлиги кунча дейсан.  
Кўзларининг порлашини кундуз десанг,  
Қошларини қоралигини кеча дейсан.

Меҳр қўйиб, шу жононни севсаммикан?  
Деса агар: «Тенгиммассан, бўлма тикан»,  
Утиб кетган қирчиллама ёшлигимнинг  
Орқасидан йўрға миниб қувсаммикан?

Йўрға миниб қувардим у етолмайман,  
Йўллар олис, тоғлар баланд — ўтолмайман.  
Майли, соғ бўл, бахтиёр бўл, эй жонона.  
Зўрлаб севгинг этагидан тутолмайман!

1959.



## САВОЛЛАР

---

Гул бўлса-ю, яшнаб турмаса,  
Муҳаббатдан савол сўрмаса,  
Қимга керак у турфа гуллар?

Бахт уфқига бўлмаса туташ,  
Тепасида ёнмаса оташ,  
Қимга керак у чалкаш йўллар?

Соф сувини элга тутмаса,  
Юрт боғини чаман этмаса,  
Яшнатмаса нимаси булоқ?

Ёру дўстга тутмаса ўзин,  
Тингламаса адолат сўзин,  
Қимга керак бундақа қулоқ?

Гўзалликка мафтун бўлмаган,  
Севинчидан мамнун кулмаган —  
Қўзлар, айтинг, нимага керак?

Ўз бахтига тўйиб қонмаса,  
Вақти келса куйиб-ёнмаса,  
Қимга керак ундайин юрак!!

1977, январь

## ЕНИНГДА БОРАРДИМ...

---

Ёнингда борардим ёнма-ён аста,  
Оламга боқардим кўзим ҳавасда.  
Бир маҳал югуриб кетдим олдинга,  
Сен қолдинг орқамда термилиб пастда.

«Эҳ, ташлаб кетди» деб ўйлама тагин,  
Олдинда хавф солган бир шарпа сездим.  
Ғафлатда қолмасин, дея ўртоғим,  
Мен сендан олдинроқ югуриб ўздим!

1977, январь

## СЕВГИ НИМА?

— Севги нима, айт, севги нима?  
— Қор остида ётган чучмома!  
То фурсати етгунга қадар  
Ўз васлини пинхона тутар.  
Чақирсанг ҳам келмайди ўзи,  
«Йўқ, бормайман!»— шу қатъий сўзи!  
Баҳор келиб, эсганда шамол,  
Ўз-ўзидан кўрсатар жамол!

1977, январь

## СЕВГИ ҚАЛИТИ

---

Севгимнинг калити қўлингда бўлса,  
Бармоққа кийдириб ўйнама уни.  
Мабодо бемаҳал йўқолиб қолса,  
Бошқаси бордир, деб ўйлама уни!

Севгининг калити битта бўлади,  
Калити йўқолса севги ўлади.  
Кейинча топилса фойда йўқ ундан,  
Отилган ўқ яна жой олмас қиндан!

1977, март.





## ОНАНГНИ УЧРАТДИМ...

---

Бир ҳафта бўлдики, сен мендан йироқ...  
Кун кеча онангни учратиб қолдим.  
Кўнглимда ёқилиб ноғиҳон чироқ,  
Кўзларим ёришиб, енгил тин олдим.

Биламан, онангнинг ҳеч хабари йўқ,  
Иккимиз мубтало ишқу фироқдан.  
Барибир шунда ҳам умид деган чўғ  
Ялт этиб дилимда, боқдим йироқдан.

Кўнглимдан кечдики, қани шу кампир  
Бўлсайди умрбод менга қайнана.  
Қошидан салом-ла ўтдим-да бир-бир  
Сал юргач, қайрилиб қарадим яна.

Онанг-чи, беҳабар, парвойи фалак  
Танларди бозорда юмшоқ ҳандалак!

1977, март,



## О, СЕВГИ...

---

Севмаган юракда шафқат бўлмайди,  
Кўрмаган кўзларнинг меҳригиёси.  
Севмаган юракнинг нияти майда,  
Орзуси бачкана, ва тор дунёси!

О, севги, нақадар олижанобсан,  
Табиат кўркининг буюк инъоми!  
Сен ўткир шоирдек ҳозиржавобсан,  
Қалбингда ҳамиша ҳаёт илҳоми.

Сен ҳоким юракка, сажда қиламан,  
Мен сени қудратли худо биламан!

1977, март



## ЛЕКИН, СЕН СЕВМА!

---

Сени севдим, лекин сен севма,  
Ишқ ўтида ёнай бир ўзим.  
Севги отли бу улкан кема  
Олиб кетсин мени беизин!

Сени севдим, лекин сен севма,  
Йўлда танҳо турай бир ўзим,  
Чақирсам ҳам, майли, сен келма,  
Узоқларда, деяй, ёлғизим!

Сени севдим, лекин сен севма,  
Кўз ёшингни кўрмасин кўзим.  
Лек кўз ёшим кўрганда кулма,  
Кулсанг менда битади тўзим!

Сени севдим, лекин сен севма,  
Севмаганинг менга яхшироқ.  
«Мен ҳам сени оҳ... севдим!» дема,  
Десанг, демак, менга ўша чоқ,  
Шубҳа тушиб, дардим ошади!  
Севмаганинг менга яхшироқ!

1977, февраль

## О, ТАБИАТ...

---

Мен қушларни севаман жондан,  
Қаноти бор уларнинг учқур.  
Мен қуёшни севаман чандон,  
Нур сочади, олам узра нур.

Мен чўққига фидойи жонман,  
Уларда бор ғурур, салобат.  
Юлдузларга боқиб ҳайронман,  
Қанча, жилва қанча малоҳат!

Денгизларнинг тўлқинига жон,  
Шижоату тийранлик рамзи.  
Қандай яхши кўм-кўк кенг сайҳон,  
Утлаб юрса маърашиб қўзи.

Дарёларнинг жўшиб, ҳайқириб,  
Оқишида қанча журъат бор.  
Қайнар булоқ, оҳ, тилга кириб,  
Қуйлаб оқса қанча санъат бор.

О, табиат, мўъжиза олам,  
Мафтунингман ҳамиша ўзим.  
Сени бунча қилган кенг, кўркам,  
Менинг қалбим, идроким, кўзим.

1977, февраль

## ДЕРАЗА

---

Куз келди, баргларни савалаб шамол,  
Ерга сочиб кетди олтин тангалар.  
Деразам тубида ўсган паҳмоқ тол,  
Яланғоч ҳолига уялиб кулар!

Мен эса хурсандман кузакдан роса,  
Эсавер беибо, эй, кузги шамол!  
Шу толнинг ортида бўлган дераза,  
Кўзимга кўринар энди бемалол!

У ерда яшайди ёшлик руҳимни  
Нурларга ўраган соҳиби жамол!  
Шу севгим ҳурмати кеч гуноҳимни,  
Куз ели титратган, эй аймоқи тол!

1977, февраль



## СУВНИНГ ГИНАСИ

---

Сув бўлиб пойингда оқиб ётсам ҳам,  
Тош отиб лойқатма, беқадр қилма!  
Мен сенинг гулларинг илдизида нам,  
Шарбатин олгандир мендан нок, олма!

Агар мен бўлмасам балки ўзинг ҳам,  
Шу ерда шод-хандон кулмасдинг шу дам.  
Гарчи мен пойингда ётибман оқиб,  
Кўзимни узмасман йўлингга боқиб.

Майли сен кўтарма мени бошингга,  
Лекин тош отмагил мағрур тўшимга!

1977, февраль



## ХОТИРАЛАР

---

Хотиралар йил ўтган сари  
Тонгга қолган чироқларсимон,  
Бир-бир ўчиб боради бари,  
Йиллар қаҳри беун, беомон.

Лекин бордир шундайлари ҳам,  
Йилларни ҳеч қилмайди писанд:  
Ё муҳрини босганда алам,  
Ё бўлганда мислсиз хурсанд.

Иккисининг изи битмайди,  
Битмагандай кўнгил яраси.  
Минг йил яша, дилдан кетмайди,  
Кетганда ҳам қолар қораси!

Иккисининг туби йўқ чуқур,  
Бирн оғу, бири эса нур!

1977, февраль

## ҚУЗИМ ДЕДИМ...

---

Юлдузим деб атасам сени,  
Қуёш бўлиб куйдирдинг мени.  
Қуёш дея атаганимда  
Не куйларга солардинг мени!

Оҳу десам тоғларга қочиб,  
Армон бўлиб қолма дилимда.  
Қўзим дедим, бағримни очиб,  
Йўлдошим бўл чаман йўлимда!

1977, январь





## БОР БЎЛСИН МУҲАББАТ

---

Бор бўлсин муҳаббат,  
Очилсин гуллар,  
Яшасин тоабат,  
Яшнасин диллар.  
Бор бўлсин муҳаббат  
Нурга чулғаниб.  
Ҳар умр кўрсин  
Ҳаётга қониб.  
Бор бўлсин муҳаббат,  
Битсин хиёнат.  
Бор бўлсин диёнат,  
Шафқат, ҳамият!  
Ҳижронга ўт кетсин,  
Битсин ғам-алам!  
Шодликдан сўз битсин,  
Қўлда ҳар қалам!  
Ҳаётнинг устуни  
Бўлсин муҳаббат!  
Муҳаббат соф экан,  
Бу ҳаёт абад!

1977, февраль

## РАШК

---

О, севгининг қонли йўлдоши!  
О, севгига отилган шум ўқ!  
Сен кимларни тўкмадинг ёшин,  
Қимлар сендан дод солгани йўқ!

Сен — севгининг пинҳон жосуси,  
Сен — севгига ташланган қармоқ.  
Сенинг кўзинг — маккорнинг кўзи,  
Ичинг қора, кўринишинг оқ.

Сен юракка ўғринчи кириб,  
Дўстни душман қилган ҳам ўзинг.  
Гоҳ қўлига қонли тиғ бериб,  
Бир чеккада кулган ҳам ўзинг.

Гоҳ мушукдек юмшоқ суриниб,  
Кишиларни қўйдинг ғафлатга.  
Гоҳ оловдек ёниқ кўриниб,  
Фурсат топиб тутатдинг латта!

Чироқ ёқиб келгандек бўлиб,  
Қора тунга ташлаб кетасан.  
Оқ кўнгилли кишидек кулиб,  
Тубсиз жарга бошлаб кетасан.

Сен — ожизлар ёвуз нияти!  
Сен қалбларда қурдингми макон,  
Не-не марднинг кетар омади,  
Не-не кўнгил бўлади вайрон!

О, Отелло ўринсиз қурбон,  
Муҳаббатнинг гавҳар тож боши!  
Не бўларди қилмасанг гумон,  
Сўнмасмиди севги қуёши!

О, лаънати, рашк отли малъун,  
На шафқатинг, на инсофинг бор.  
Севгига йўқ сендан ёруғ кун,  
Сен сабабли дунё унга тор!

Жаллоддан ҳам баттарсан асли,  
Жаллод бошни ошкор олади.  
Сен-чи, пинҳон Ёсумон кўзли,  
Сендан битмас армон қолади.

Иблис сенинг дўстинг бўлади,  
Оқ кунларнинг қора шарпаси!  
Сенга ажал қачон келади,  
Ёвузликнинг мудҳиш нафаси!!

1977, февраль



## ҲАЛИ ҲАМ УШАСАН...

---

Мен кеча альбомни варақлаб туриб,  
Бир кичик расмингга кўзларим тушди.  
Кўзларим тушди-ю, хаёл чарх уриб,  
Биз юрган боғларга қуш каби учди.

Расмингга термулиб қолдим кўп узоқ,  
Ўша кўз, ўша қош, ўша гул дудоқ.  
Эркимни боғлаган ўша чилвир соч  
Кўксингда тўлғаниб ҳамон дейди: — Қоч!

Ўттиз йил ўтибди шунга ҳам дарров!  
Гўёки йилларни ўғирлаб биров  
Қўл етмас олисга қўйиб кетибди,  
Орага чуқур жар ўйиб кетибди!

Дейдилар: у чилвир сочларнинг оппоқ,  
Кўзларинг ёнмасмиш аввалдек порлоқ  
Дудоғинг лаълиси ўчганмиш пича,  
Юзларинг эмасмиш қип-қизил кулча!

Йўқ, ҳеч ишонмайман, ёлғондир, ёлғон!  
Ҳали ҳам сен—ўша,

Ушасан ҳамон!

Ушасан ҳали ҳам: ўн саккиз ёшли,  
Ол дудоқ, чилвир соч, арғимчоқ қошли!

1962.

## УМИД

---

Муҳаббат юртини кашф эта олсам,  
Ошиқлар кўнглига берсам тасалли,  
Отелло номига ичайки қасам,  
Тақдирга дер эдим:— Офарин, балли!

Оҳ қандай соз эди, шундай юрт бўлса,  
Севгидан барча қалб яйраса, кулса,  
Юракда қолмаса ўкинч ва армон,  
Севгидан туғ тутса замин у замон.

Энг яхши тушларни шунда кўрардик,  
Энг яхши умидлар туғилар шунда.  
Тушларни умидга қўшиб қорардик,  
Ва бирга гаштини сурардик кунда.

Кўнгилга чўкмасди қайғу ва алам,  
Узга бир руҳ билан яшнарди олам!  
Бу олам кўркига маҳлиё одам  
Эртага мамнун, шод ташларди қадам!

Мен севги юртини кашф эта олсам,  
Отелло руҳига ичайки қасам,  
Дунёда энг бахтли киши бўлардим,  
Дунёда қолмасди армоним, дардим!

1977, март

## ШЕЪРГА МУҲТОЖ ОНЛАР

---

Муродига етганда севги  
Шеър учун қолмайди ҳожат!  
Интизорлик севгининг чеки,  
Севги ҳали унмаган кўчат!

Бир юракка тушса-ю оташ,  
Ўзга юрак қолса беҳабар;  
Гоҳо ёниб, кўнгли бўлиб ғаш,  
Минг куйларга тушса ҳар сафар;

Хат ёзса-ю, келмаса жавоб,  
Гул узса-ю, бера олмаса;  
Сўзлар терса дилида ноёб,  
Ботинмаса айтишга эса;

Дир-дир титраб қамти келганда,  
Жўнаб кетгач, соғинса яна:  
Яна йўлин қилмасдан канда,  
Висол онин кутса мардона;

«Эҳтимол у севар бошқани,  
Лойиқ билмас балки ўзига;  
Балки ёнмас севгидан қони,  
Балки кирмас дили сўзига».

О, шубҳанинг серқирра тоши,  
Бунча ўткир бўлмаса нишинг!  
Баъзан тугаб ошиқ бардоши,  
Қон йнғлатмоқ бўлади иши!

Ана шунда шеърга у муҳтож,  
Шоирга дер:— Юрагимни оч!  
Ёки ўзи бир шоир бўлиб,  
Дардин куйлар ўртаниб, тўлиб!

Муродига етганда ошиқ  
Шеър учун қолмайди ҳожат!

1977, март



## ЮКСАКЛАРДА ДОИМО КЎЗИМ

---

Юксакларда доимо кўзим,  
Юксакдадир юлдуз ҳам, ой ҳам.  
Уфқлардан нарида изим,  
Уфқ оша янги бир олам.

Шу оламнинг сирри, асрори  
Юрагимга солар ҳаяжон.  
Ҳаяжоннинг мағрур виқори  
Яна очар ўзга бир жаҳон.

Жаҳонлардан жаҳон кашф этиб,  
Яшамоқнинг ўзга гашти бор.  
Йўқса ҳаёт қолади қотиб,  
На унда бор севги, дард, виқор.

На интилиш, на баҳор, на қиш,  
На кенг уфқ, на қир, на довоң.  
Юксакларга айтаман олқиш,  
Олисларда орзу ва армон.

Эй, юрагим, бўлгину омон,  
Жаҳон ичра яратгин жаҳон:  
Интил доим юксакка томон,  
Олисларда завқли ҳаяжон!

1977, март



## МУҲАББАТНИНГ ТАЛАБИ

---

Муҳаббатнинг тили бор, бироқ,  
Ҳар маҳал ҳам тилга кирмайди.  
Тилга кирса, ёқади чақмоқ,  
Бегонага сўзин бермайди.

Ноласидан ёнади тоғ-тош,  
Оҳ тортганда туради бўрон.  
Фигон қилса, қораяр қуёш,  
Ўкинчидан ўкирар сурон!

Севинчини олганда тилга  
Қора тунлар ёришади оқ.  
Нур ёғилиб барикн элга  
Яқин келар кўз етмас йироқ!

Лекин ўзи жуда ҳам кам гап,  
Ёқтирмайди ортиқча сўзни.  
Фидо этиб мангуга ўзни,  
Эвазига қўймас ҳеч талаб!

Муҳаббатнинг тили бор, бироқ  
Сўзламоқни ёқтирмас феъли.  
Тил нотиққа керак, дер, ўртоқ,  
Менга эса фақат бир дили!

1977, март

## СЕНИНГ ЮЛДУЗИНГ

---

Сен боқасан олис-олисдан,  
Гоҳ жимирлаб, гоҳ тиниқ ёниб.  
Юлдузингни ўзга юлдуздан —  
Адаштирамай турибман таниб.

Кўзгинамас сени таниган,  
Юрагимнинг хизмати катта.  
«Шу юлдузни йўқотма, деган,  
Шу юлдузда бахтинг албатта!»

Кўзим эмас, юрагимнинг ҳам  
Сени танир кўзлари бордир.  
Кўзларига меҳрибон, ҳамдам,  
Ширин-шакар сўзлари бордир.

Демак, сени танийман яхши,  
Олислардан порлар юлдузинг.  
«Шу юлдузга интилган киши,  
Шояд десанг:— Ёлғиз бир ўзинг!»

1977, март

## ҲАЁТ НАРВОНИ

---

Бу ҳаёт нарвонга ўхшайди ўзи,  
Энг баланд почада ҳамманинг кўзи.  
Аmmo у қўйилган жуда ҳам тикка,  
Юксакда иқболнинг ёруғ юлдузи!

Ҳа, ҳаёт нарвони баланд жуда ҳам,  
Энг баланд почага интилар одам.  
Барча ҳам баландроқ чиқмоқ истайди,  
Лекин муродига етган камдан-кам!

1977, январь

## ҚҰНДОҚДАГИ ИСМ

(Ҳарбий қисмдан хат)

Ўзим ҳам билмайман, қайси бир куни  
Хатларинг қошимга уйиб қўйибман.  
Хаёлда ўтириб (рост айтсам шуни)  
Қўндоққа исмингни уйиб қўйибман!  
Ана шу автомат ҳамон қўлимда,  
Ажралмас ҳамроҳим юрган йўлимда,  
Гўёки сен ўзинг доим биргасан,  
Ёки шу қуролни ўзинг бергансан  
Ўзинг ҳам биргасан, қурол ҳам бирга,  
Душмандан из тушмас бу она ерга!

Фақат бир андишам бор командирдан,  
Хижолат бўлмасам бу ишга бирдан!

1976.

## БАҲОР КЕЛДИ

---

Баҳор келди, баҳор келди деб,  
Чор-атрофга чалиб қўнғироқ,  
Елкасига баҳорни ортиб  
Тоғдан тушиб келармиш ирмоқ.

Лаббай, лаббай!— дея бинафша  
Ер остидан кўтармиш қулоқ.  
Лола эса қирлардан оша  
Бўй чўзармиш тутиб ол байроқ.

Атир сочиб сойларда ялпиз  
Йўлларига чиқармиш пешвоз...  
...Сой ёқалаб келади бир қиз  
Лабларида минг ишва, минг ноз!

Гул баҳорни кутиб ол, ҳой қиз,  
Сен баҳорга монандсан, ой қиз!  
Сен улғайиб она бўласан,  
Баҳор эса, тўкин-сочин куз!

1977, март



## ҚАНОТ

---

**Невараларим Комрон билан Хумоюнга**

Гўдак эдинг, чироққа боқиб,  
Севинч билан ширин кулардинг.  
Баъзан эса, елкангни қоқиб,  
Уни аста олмоқ бўлардинг.

Сал улғайгач осмонга қараб,  
Тўлинойга чўздинг қўлларинг.  
Ой ҳам сочинг нур билан тараб,  
Кел-кел дерди, ёруғ йўлларинг!

Энди эса қўлингда қалам,  
Нуқул қанот расмин соласан.  
Узинг тугул ҳатто менга ҳам  
Қанот чиз, деб ундаб қоласан.

Майли, қанот чизавер, болам,  
Қанот бўлса кишида яхши.  
Бу замонда қанотли киши  
Измидадир бу учқур олам!

1977, февраль,

## ВАЪДАГА КЕЛАРДИНГ...

---

Ваъдага келардинг, мен сенга эса,  
Узоқдан энтикиб, қараб турардим.  
Атрофда барқ уриб чечагу майса,  
Гўзаллик гаштини роса сурардим.

Сен эса уларни босиб бепарво,  
Баъзисин шарт узиб, отиб келардинг.  
На улар кўркига қилардинг парво,  
На улар атридан ором олардинг.

Гул-чечак, майсани севмаган одам  
Севгининг қадрига етармикин, оҳ...  
Шу хаёл фикримга келди-ю, шу чоқ  
Индамай ортимга ташладим қадам!

1976, октябрь

## ДАҲШАТ

На ўлим даҳшати,  
На қилич дами,  
На хоин тухмати,  
На касал ғами,  
На ваҳший ҳайвон-у,  
На ёвуз оғу  
Қалбимга солади заррача қўрқув!  
Лекин бор дунёда мен қўрққан нарса:  
Не бўлур китобим ўқилмай қолса!  
Бу менга ўлимдан ёмонроқ даҳшат!  
Эй, ажал, у кунга етказма, қақшат!?

1964.

## ИЖОД ҲАҚИДА

---

Хиёнат қилмадим она юртга ҳеч,  
Хушомад қилмадим она юртга ҳеч.  
Сохта сўз учмади асло лабимдан,  
Нимаики шаънига дебман — қалбимдан!  
Виждоним амри-ла айтдим ошкора,  
Туз-ноним амри-ла айтдим ошкора.  
Завқланиб куйладим, ёниб куйладим,  
Қувониб куйладим, қониб куйладим.  
Ҳақсизлик ўтганда ўт бўлиб ёндим,  
Ҳақсизлик бўғзига шердек ташландим.  
Ушанда кимгадир кўриндим ёмон,  
Кўнглида туғилди ўринсиз гумон!  
Покман деб қошида солмади уввос,  
Аламдан ичмадим, ё чекмадим нос!  
Қимгадир ёлвориб кўмак сўрмадим,  
Бошимни ҳам қилиб, маъюс турмадим.  
Чунки мен ҳақ эдим ниятим холис,  
Мақсадим покиза, манзилим олис!  
Виждоним лойқалаб ортга қайтмадим,  
Виждоним зидига бир сўз айтмадим.  
Айтмадим, айтмайман, айтмоқчимасман.  
Шу ҳақ сўз кайфи-ла доимо мастман!  
Бу ҳушёр мастликдир, кайфи ҳам баланд,  
Эҳтимол баъзида бериб қўйса панд!..  
Доимо беғубор янгради созим,  
Баъзида хафаман ўзимдан ўзим!  
Баландроқ пардада куйласам дейман,  
Нафасим етмасдан пушаймон ейман.

Гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ ёзиб кўраман,  
Ҳафталаб аламда ёниб юраман.  
Бари бир ўзимдан кўнглим тўлмайдим,  
Ёзганим кутгандек пишиқ бўлмайдим.  
Ушанда қаламни отгим келади,  
Бошқа бир ҳунарни тутгим келади.  
Йўқ яна ўзимга келиб қоламан,  
Завқ билан қаламни қўлга оламан.  
Ногихон жаранглаб, нур сочиб созим,  
Уфқдан уфққа кўчиб овозим,  
Ўзимга ўзим ҳам ишонмай шунда,  
Баъзида уйғониб ўқийман тунда.  
О, илҳом, мунча ҳам сирли нигоҳсан,  
Бунчалар ўтнафас, қайноқ булоқсан!  
Бир келсанг от суриб, яшнаб келасан,  
Бир олам завқу шавқ бошлаб келасан.  
Мен гангиб қоламан тўлқинларингда,  
Уртаниб ёнаман ёлқинларингда!!

1976—1977



## МУҲАББАТНИНГ ЁШИ ЙЎҚ

---

Муҳаббатли юрак қаримас  
Муҳаббатнинг ёши йўқ, ахир!  
Қурбинг етса шу чаманга кир,  
Ҳеч ким сани «Нари кет» демас!

Шу чаманга кирган юракнинг  
Кўз ёшидан гуллар унади.  
Шу гуллардан кулган тилакнинг  
Бахт тожигга нурлар инади.

Шу нурлардан йўлинг ёришиб,  
Мурод уфқи яқин келади.  
Яқин келган уфқдан ошиб,  
Яна кўнглинг нима тилади?

Муҳаббатли юрак қаримас,  
Муҳаббатнинг ёши йўқ, ахир!

1976, октябрь

## СОЛДАТ ҚАҲРИ

---

Жанг чоғи йиқилдим ўқ еб ноғихон,  
Кўксим қон, қўлим қон, гир атрофим қон.  
Олдинда борарди қонли жанг ҳамон,  
Ҳамон мен ётибман бунда бедармон.

Ёнимда милтиғим, қўндоғида қон,  
Сен эса, жангдасан менсиз бир ўзинг.  
Эшитдим шу жангда бўлибсан қурбон,  
Оҳ, мени истабсан аланглаб кўзинг.

Эҳтимол мен бўлсам ёнингда, дўстим,  
Сен тирик қолардинг соғ ва саломат...  
Аламдан милтиғим қаттиқроқ қисдим,  
Урушга минг лаънат, минг-минг лаънат!

1977, январь



## МАШРАБ ВАСИЯТИ

---

Вужудим пок эди, виждоним эркин,  
Узатган оёғим йиғмадим.

Бу жаҳон қалбимга сиғди-ю, лекин  
Мен ўзим жаҳонга сиғмадим.

Мен ўлсам йиғламапг. Тирик чоғимда  
Ўзимга мен ўзим кўп йиғлаганман.  
Баъзида гул кўрсам кенг қучоғимда,  
Кўп маҳал аламдан дил доғлаганман.

Мен ўлим ҳақида баъзан ўйласам,  
Ярқираб кўринар хира ранглар ҳам.  
Ўлимнинг даҳшати шунчалар зўрми,  
Шунчалар сирлими бу кўҳна олам!!

1975.

\* \* \*

Туман босмиш уфқни,  
Борар йўлим ёпиқми?  
Ёпиқ бўлса йўлларим,  
Бор-ку метин қўлларим.  
Қўл етмаса, кўзим-чи!  
Фронт кўрган ўзим-чи!  
Йўлим очиб ўтаман,  
Нима менга бу туман!

1976, февраль, Рига.

## ДУППИ ЧИРОЙИ

---

«Дўппингиз бунчалар гўзал бўлмаса,  
Эринмас юракнинг санъати-ку бу.  
Кўнглингиз тўлмасми мисоли оҳу  
Бош узра — чўққида кулиб турмаса?»

Қизиқсанг ҳақлисан, эй меҳмон киши,  
Бу қизлар ҳунари азалдан-азал.  
Бу оддий ҳунарсмас,  
Юракнинг иши  
Юраги гўзалнинг иши ҳам гўзал!

Шўх қизлар ҳар гулни дур қилиб сочиб,  
Йигитлар бошида яшнаб турсин, дер.  
Узи-чи, узоқдан уялиб, қочиб  
«Йигитлар ҳамиша омон бўлсин!» дер.

Йигитлар бўлмаса, дўппилар бунча  
Чиройли бўлмасди мисоли ғунча!

1970.

## БОҒ ИУЛИ

---

Мен юрган сўқмоқни тор дема ўртоқ,  
Торлиги, эҳтимол, фазилатдир.  
Сен аввал, азизим, атрофига боқ,  
Атрофи ҳаётнинг ўз жаннатидир.

Ана кўр, сўқмоғим боғдан ўтади,  
Сойга ҳам тушади қирғоқ ёқалаб.  
Қўлинг чўз, гулларга қўлинг етади,  
Ҳар қадам ётибди уфқ орқалаб.

Истасанг, чашмада юзинг ювиб ол,  
Истасанг, анвойи чечакларга боқ  
Истасанг майсага чўзил бемалол,  
Сукунат қўйнида яқину йироқ.

Қушларнинг нағмаси шовқинга кирмас,  
Шаршарак авжини айбга санама.  
Қўзилар маъраши халақит бермас,  
Қурбақа вақ-вақин завқи йўқ, дема!

Уни кўр, бир така соқолин силкиб,  
Бир талай қўйларни бошлаб боради.  
Энг ортда қўзилар майсалар юлқиб,  
Ишончсиз одимин ташлаб боради.

Қушларнинг галаси ўтди осмондан,  
Арғимчоқ солади кузда турналар.  
Бу йўлдан юрмаган ёниб армонда,  
Умрига ачиниб, қалби тирналар!

1970.

## ҚОРА ДЕНГИЗНИ СОҒИНИБ...

---

Ол, денгиз, соғиндим, қучоғингга ол,  
Тўлқинлар узра от, эркала, ўйнат.  
Қалбимда завқларим тошириб қайнат  
Туришинг нақадар кўрмаму хушқол!

Мен сени биламан: эски ошнамсан,  
Мен сени ҳамиша мусаффо кўрдим.  
Ҳар қатра сувингда бир шифо кўрдим,  
Менингдек қадрдон дўстга ташнасан.

Мана мен келибман сени соғиниб,  
Соғинган бағрингни, дўстим, оча қол.  
Соғиниб келибман, дўстим, қуча қол,  
Бағрингда яйрайин меҳрингга қониб.

Тўлқиннинг бир-бирин қувиб, мингашиб,  
Бир дунё завқу шавқ олиб юради.  
Дилларга тақсимлаб солиб юради,  
Баъзида зарб билан қирғоқдан ошиб.

Гоҳо сен мулойим, гоҳо шиддаткор,  
Гоҳида жимирлаб тўш ўйнатасан.  
Чеки йўқ қозонсан — нур қайнатасан,  
Барининг ўзича фазилати бор.

Майли сен ўйноқла, майли қайна, тош,  
Ҳаммаси ўзингга хўп ярашади.  
Мен сени кўрдимми, қалбим жўшади,  
Бағрингга ола қол, энди қалам қош!

1960.

## БАЛКИ БИР ТУШДИР...

---

Муҳаббатим балки бир ҳавас,  
Балки бир тушдир.  
Уфқларни қилса ҳамки қасд,  
Қанотсиз қушдир.  
Балки кўзим алдаган сароб,  
Йигит йўлимда.  
Балки кўкда узилган варрак,  
Ипи қўлимда.  
Аниқ-ошкор билмайман ўзим:  
Нимадир ўзи!  
Лекин доим йўлида кўзим,  
Ғамида кўксим.  
Бўйи-басти кундуз қошимда,  
Тунда тушимда!

1970.

\* \* \*

Бир қўли кесилган одамдан сўранг,  
Наздида шу қўли бордай бўлади.  
Бармоғин гоҳ ўйнаб, гоҳ қилиб таранг,  
Ўзича турли машқ қилиб юради.

Мен ўша бармоқман. Қесиб ташлаб ҳам,  
Сен мендан қутилиб кетмадинг, эркам!

1976, март, Москва

## ЗОЛИМ СЕВГИ

---

(Ишонмаганлар ўқимасин!)

У севди, ўртанди, ёнди туну кун.  
Чўп бўлиб кетса ҳам у ёна-ёна,  
Қайрилиб боқмади мағрур жонона,  
Севгиси топмади ижобий якуна.

Шунчалар уринди ўзим тияй деб,  
Иложин топмади, бари бир ёнди.  
Баъзида ўзича ишқидан тонди,  
Гоҳ қишда, гоҳ баҳор ёйганида сеп.

Сел бўлиб босарди ёрнинг ҳаёли,  
Тиғ бўлиб бағрига ботарди ҳамон.  
Қанча йил ўтди-ю, қанча бир замон,  
У золим севгидан бўлмади ҳоли.

Сочига оқ тушди, тиши камайди.  
Юз-кўзин қоплади илон из ажин.  
Ҳамон у ёнади топмай иложин.  
Ҳамон у золим ёр, бир кел, демайди.

Эр қилди жонона, бу ҳамон бўйдоқ,  
Ҳамон у севгидан бўлмайди холос.  
Баъзида май тортиб, баъзан отиб нос,  
Оҳ, дейди севгида мен бўлдим адоқ.

Уч бола кўрди у қиз, тўнғич ўғлини,  
Мақтабга етаклаб кетди ўтган йил.



Бечора ошиқда ҳамон ёнар дил,  
Ҳамон у топмайди совнш йўлини!

Охири йўл топди доктор ўртоғи:  
Юрагин алмашлаб берди ўтган оғи.  
Тинчиди чамаси — қилмас оҳу вой,  
Сўнгида чиқмаса бирор чатоғи:

Докторга, пирим, деб қўйди у ихлос,  
Келлинглар, бўлайлик яхши тилакда:  
Илоҳим севгиси эски юракда  
Қолгани рост бўлсин, рост бўлсин, ҳа рост!!



## ТҮРТЛИКЛАР

---

Номус-ор туғ тикмас меҳрсиз дилга,  
Шафқатсиз кўзларда бўлмас муҳаббат.  
Ёвузлик кўзласа ким она элга,  
Охири бекафан қолади албат!



Мен умр дафтарин бир-бир варақлаб,  
Ҳар бетга эзгу сўз ёзмоқ истардим.  
Баъзида ёзолдим ниятим оқлаб,  
Баъзида армонда ич этим едим!



Ҳар умрнинг чақмоқ они бор,  
Чақмоқ бўлиб ёқмоқ они бор,  
Шу он агар қилмаса насиб,  
У умрнинг на бир жони бор!



Жанг эди, ўқ едим. Ётибман ҳамон,  
Жароҳат топибман оғир ва ёмон.  
Ҳаммаси бир зумда бўлади унут  
Ғалаба бонгини эшитган замон!



Болармиш! Тайёргина қиёмдан ташиб,  
Уялмайди уясида асал йиққан!

Чиндан асалари бўлсанг боғма-боғ ошиб,  
Гулзорлардан шарбат йнгиб келганинг қани?



Биринчи каломим бўлгандай «Она»,  
Энг сўнгги сўзим ҳам «Она» бўлади.  
Дафтарлар тўлибди «Она»га, мана,  
Ҳали яна қанча дафтар тўлади.



Ешларнинг кўзёши ошкора-ойдин,  
Кексалар йнғлайди ичига ютиб.  
Эртаси хассани маҳкамроқ тутиб,  
Оғир тин олади юришдан олдин!



Олтин деб, олтиндек сарғайиб юзинг,  
Бунчалар хирс қўйдинг унга, эй киши!  
Ақлинг йиғ, ўнглаб ол вақтида ўзинг,  
Макр тўла қабиҳлик олтиннинг иши!



Тош қаттиқ, тошдан ҳам одамнинг қаҳри,  
Юз бора қатиқ.  
Кун иссиқ, кундан ҳам одамнинг меҳри,  
Юз бора ортиқ.



- Дунёда энг азиз нарса нимадир?
- Она ер ишқи-ю, она тил кўрки.
- Умрни нималар нурга кўмади?
- Ёр-дўстлар вафоси, соф виждон эрки!

●

Бўёқларга тўла қути бу кўҳна олам:  
Қора рангда фарёд уриб ёнади алам,  
Айрилиққа сариқ рамз-у, оқи покликдир,  
Қайси рангда акс топади кўздан оққан нам?

●

Нияти улуг-у, дил бўлса тоза,  
Ҳар кимнинг ўнгидан келади иши.  
Сув ичса шарбатдек қилади маза,  
Ёз гаштин беради ҳаттоки қиши!

●

Мажнундек севолсам, мажнундек ёнсам,  
Манжундек девона бўлардим жон деб,  
Минг афсус, бу орзу ишимас десам,  
Нега сен куласан ҳайратга ботиб?

●

Қоронғи мушукдай бешарпа тушиб,  
Уйма-уй охиста кириб боради.  
Тонг отгач бир сапчиб, девордан ошиб,  
Ўзини хилватроқ ерга олади!

●

Булут чиқди. Қир-дала чанқоқ,  
Қир-даланинг дилида нола.  
Номард булут четлаб ўтароқ  
Денгиз узра қуйди бир йўла!

●

Қушларга тош отма, юрсин яйрашиб,  
Ҳаётнинг гаштини суриб, сайрашиб,

' - ' !'

' ' ! !


' - !

' - !'

•

' - !

' - ?



Балки бирор қувноқ киши  
Учиргандир кўршаналак.



Майли мен бўлайин қўлингда таёқ,  
Хасса қил, косов қил, тўйда олов ёқ.  
Истасанг эчкингга қозиқ қилиб қоқ,  
Лек озор бергудек иш қилма ўртоқ!



Йўлингда ҳуриган итнинг, азизим,  
Ҳаммаси қопмайди — сен бунга инон.  
У бири ҳимоя қилади ўзин,  
У бири чиндан ҳам қутирган, ёмон!



Яхши олим эшигини қоқади шоҳлар,  
Шу туфайли тарихга у кириб қолади.  
Ва аксинча, ёмон олим — сурбет маддоҳлар,  
Шоҳнинг иссиқ пинжин кўзлаб, излаб келади!



Турибман олтмишнинг эшигин қоқиб,  
Беғуноҳ, бенуқсон умр кўрмадим.  
Гоҳида шон-шараф нурида оқиб,  
Гоҳида бесабаб калтак ҳам едим!



Чўққиларда ёнган қор,  
Кун чиққанда йиғлар зор:  
Боққа тушса йўлим дер,  
Жарликларда бўлмай хор!

Қўлимда тоққайчи, боғни оралаб,  
Бегона шохларни кемтиб юраман.  
Кемтилган шохларга баъзида қараб,  
Баъзисин ноўрин, хато кўраман.

Қўлимнинг иссиғи қўлингда қолди,  
Интизор кўзларим йўлингда қолди.  
Бўсамнинг яллиғи кун ўтган сари  
Кул босган чўғ каби дилингда қолди.

Чироғингни ўзинг ёқиб ол,  
Ёқиб ол-у, ёруғида қол.  
Узоқларга тушсин шуъласи,  
Учирмасин бемаҳал шамол!

Қор узра қолибди турли-турли из.  
Мана бу ит изи, мана бу арслон  
Мана бу тулкидан, мана бу тўнғиз,  
Бу ердан ўтибди мағрур бир инсон!

Ариқ бўлсам сенинг боғингга  
Тиним билмай тун-кун оқардим.  
Сўнг гул бўлиб кенг қучоғингда,  
Яшнаб-яшнаб сенга боқардим.

Фазогир зарб билан узилди бирдан,  
Чарх уриб осмонга учиб боради.



!

-

!

!

!

?!  
?

!

!

!

!

!

Бир дона гул бўлиб ариқда оқсам,  
Эгилиб олишга журъатинг борми?  
Дилингда бор-йўғи оҳ, билан зорми?  
Бас, унда келма, қўй, мен чироқ ёқсам!



Болалар йиғласа айби йўқ.  
Йиғлаб-йиғлаб катта бўлади.  
Қатталар қалбида йиғи — ўқ,  
Йиғлаб-йиғлаб адо бўлади!



Ҳақиқат кўпригин бузади ёлғон,  
Устун қанчалик бўлмасин йўғон.  
Ёлғоннинг йўлини тўсиб, ёронлар,  
Йўлида қурингиз у ўтмас тўғон!



Тик терак учидан узилиб япроқ,  
Шамолда чирпирак бўлганча кетди.  
Қаерда ётибди эзилиб япроқ?  
Қаерда юзини чанг-чунг бекитди?



Ўзгалар қалбига кириб боролсанг,  
Ўзгалар меҳри ҳам бўлса кўксингда,  
Сен бахтли одамсан,  
Бўлсин эсингда!



Ҳар бир ерга қўйма қадам оёғим бор деб,  
Ҳамма сўзни тинглай берма қулоғим бор деб.

Оёқ тойиб, қулоқ ноҳақ сўзни тингласа,  
Ҳар эшикда изғиб юрма сўроғим бор деб!



Хаёл чексиз, хаёл беомон,  
Баъзан дилни қилади вайрон.  
Баъзан эса замини замон,  
Азминг билан яшайди омон!



Зор йиғлаб дунёдан ўтган бобомнинг  
Ноласи қулоғим ичра уйғоқдир.  
Мен юрган шу тупроқ ўша тупроқдир,  
Эй, юртим, ўзгадир, энди инъоминг!



Қалбимга ўт тушса, олам келса тор,  
Эй, шеърим, мен сендан паноҳ изладим.  
Юртимга хавф-хатар солганда баттол,  
Энг яхши яроқ деб сени кўзладим!



Мен кўрдим: бургутга агар ўқ тегса,  
Сўнгги бор талпинар яна фалакка,  
Илон-чи, йўлида шарпа йўлиқса,  
Урмалаб қочади нурсиз ковакка.



Куз келди. Ер гўё музаффар солдат,  
Уйқуга кетибди зўр жангдан кейин.  
Устида шинели — япроқдир, албат,  
То баҳор-жанггача уйғотиш қийин!

●  
Ўт ёқдинг кул бўлди. Шамол келди-да,  
Кўкларга совириб кетди ногихон.  
Аслида ўт ўзин қурбон қилди-да,  
Сен эса совуқдан асраб қолдинг жон!

●  
Истасанг солқонга ўзинг солиб от!  
Истасанг бағримга бахш эт қўшқанот!  
Соғинган чоғингда шу қанот билан  
Қошингга қайтарман кишнаб мисли от!

●  
Қонли қўлга қўлинг берма, юқи қолади,  
Эҳтиёт бўл, ғаним отса ўқи қолади.  
Қўлни ювсанг, ўқни олсанг, билки бари бир,  
Юрагингда армон бўлиб турқи қолади.

●  
Ҳазабга тўлди-ю, гумбирлаб осмон,  
Шиддатли ёмғирин қуйди беомон.  
Танги ер жим турди, гўёки севган,  
Йигитин зардасин тинглаган жонон!

●  
Сен йиғласанг, менинг кўзимдан  
Ёшим маржон бўлиб оқади.  
Сенга биров қасд қилса зимдан,  
Зимдан менинг қаҳрим оқади.

●  
— Ўзинг кимсан, десам, дединг, кўзингман,  
Кўзим бўлсанг, ҳу узоқда нима бор?

— Қулогингман ҳар бир сўздан хабардор,  
Демак бир кун кар бўлсам кўр ўзингдан!



Сен қорда изингни мағрур кўрсатиб,  
Дедингни, муҳирдек ёнишига боқ.  
Исини қор эмас, тошга нақш этиб,  
Хокисор юрганлар бордир, эй ўртоқ!



Ун етти ёшимда бир қизни севиб,  
Шу қизнинг ишқи-ла бардамман ҳамон.  
Кексалик эшикдан кирса ҳам қувиб,  
Ун етти ёшимга ҳамдамман ҳамон!



Пешонангга урма мушглаб, «оҳ, пешонам!»  
деб,  
Бекорларга нобуд бўлди азиз ошнам, деб.  
Азиз ошнанг бўлса нега қолдинг беҳабар,  
Гулзор қолиб, тиканзорга олганда сафар!



Сув тагида қум оқади,  
Ой ботганда кун болқади.  
Севган ёринг ташлаб кетгач,  
Энди сенга ким боқади?



Гумбирлаб сел келди, кўлоб-кўлоб сув,  
Сичқонлар тирқираб, итлар ҳурарди.  
Фақат бир қурбақа билмасдан қўрқув,  
Кўлобда қувониб сузиб юрарди.

●  
Мўридан буралиб чиққан тутунлар,  
Булутга ўхшашни ҳавас этади.  
Ёмғир айланмай кўкда тутилар,  
Ер узра қайтолмай ёқа йиртади.

●  
Сен болта урасан, бечора дарахт,  
Бир чўчиб бағрига кетар зирқироқ.  
Сен ундан ўзингга бунёд этсанг бахт,  
У эса мангуга кўз юмар бироқ.

●  
Сен кетдинг-ку, эшик тубида,  
Найза пошна изларинг қолди.  
Сенга мафтун киши қалбида,  
Шу излардек сўзларинг қолди.

●  
Озодликнинг нархи жуда қимматдир,  
Лекин ўзи сахий, олий ҳимматдир.  
Унга шафқат, фидоййлик, матонат  
Эгарланган учқир қанот бир отдир!

●  
Шу тупроқнинг қулоғиман, кўзиман.  
Қулоғимни кўкрагидан олмайман.  
Насиб этган тақдиримдан розиман,  
Ўзга элга ҳавас назар солмайман!

●  
Мен сенинг номингни тошга ўйибман,  
Гулларга ўрабман, тўрга қўйибман.

Баридан ўзингнинг борлигинг яхши,  
На унда, на бунда бир бор тўйибман!



Боғ ичидан қараб ўтдинг,  
Қўнғир сочинг тараб ўтдинг.  
Ўриб қўяй десам, нега,  
Менга оқ йўл тилаб ўтдинг!



Сени кутдим сув сепаб йўлга,  
Қучоғимни тўлдириб гулга.  
Хатто қиё боқмасдан ўтдинг,  
Чилвир сочинг тўлғаниб белга.



Инжунинг таърифи бир олам албат,  
Жононлар бўйнида кўрмаклик одат.  
Ва лекин ҳамма ҳам денгизга шўнғиб,  
Дур топиб чиқишга қилмайди журъат!



Оқ олма шохида энг сўнги япроқ,  
Узилиб кетай деб, титраб турибди.  
Шу япроқ ёнида қаҳ-қаҳ этароқ,  
Бир қарға юмшоқ қор тилаб турибди.



Бу тарих китоби доим қўшварақ:  
Бир бети қорадир ва бир бети оқ.  
Оқида эзгу сўз қолдирсанг агар,  
Ўз номинг шарафли, тақдиринг порлоқ!

●

Сен сувга тош отдинг, балиққа тегди,  
Хўш, айт-чи, балиқнинг гуноҳи нима?  
Балиқнинг тили йўқ, бир маҳлуқ дема,  
Виждонинг бир баҳя жойидан чўкди!

●

Хотира бу эски китобнинг  
Тўзғиб-тўзғиб қолган варағи.  
Тиклай олсанг йўқолган бобни,  
Тиниқ ёнар фикринг чироғи!

●

Ўлимдан ҳеч кимса қилмайди ҳазар,  
Ўлимга мадҳия ёзмаган ҳеч ким.  
Бу дунё устунинсонни ҳоким,  
Ўлим бор ҳаётининг қадрини сезар.

●

Бахтиёр кишининг тиллари бурро,  
Дўсти ҳам бўлади ҳаддидан ортиқ.  
Ҳеч кимса бўлмасин толен қаро,  
Тиллари қисиг-у, лаби ҳам тиртиқ!

●

Учоқни қазибсан, энди олов ёқ,  
Устига ос, дўстим, тоза бир қозон.  
Бўлмаса нимага қазидинг, ўртоқ,  
Нимага керакдир бу чанг, бу тўзон!

●

Қаерда бўлмайин, қаерда юрмай,  
Мен сенинг номингдан мадад кутаман.



Она юрт! Не ишга қўлимни урмай,  
Мен сенинг бахтингни кўзда тутаман!



Кун ботди. Эртаси чиқмади қуёш,  
Булутлар судралди кўкда оҳиста.  
Кун чиқар уфққа бурганича бош,  
Қуёшни кутарди, бечора писта!



Умр-дарё, отанг кўприк беиннат,  
У қирғоқдан — бу қирғоққа ўтиб ол.  
Бу қирғоққа ўтганигда сен албат,  
Отанг қилган хизматига содиқ қол!



Ҳамиша куйманиб, уйқудан қолиб,  
Элу юрт ғамини елкага олиб,  
Озгина қувониб, кўпгина нолиб,  
Юрмоқни истасанг, дўстим, шоир бўл!



Бахтимдан шикоят қилмадим сира,  
Нур билан ёзилди донмо отим  
Ҳар дўстим бўлди-ю, қуйруқ-қанотим,  
Ҳар куним умримдан шонли хотира!



Фарзандлик бурчини ўтаган фарзанд,  
Гўёки шарбатга қўшилган гулқанд,  
Фарзандлар! Ёшликда эҳтиёт бўлинг,  
Баъзида ўт ёшлик бериб қўяр панд!

●

Мен ўлгандим, қайта тирилдим,  
Фақат сенинг ширин сўзингдан.  
Ол, бахтимни мен сенга бердим,  
Ўзга тутма мени ўзингдан!

●

Ўнг кўзинг сўл кўзга бўлганда рақиб,  
Оламда авж олар фисқ-фужур, таъқиб.  
Ёлғону хиёнат сув каби оқиб,  
Бевафо исинар севгини ёқиб!

●

— Севги нима? — дейсан боқиб кўзимга,  
Шоир бўлсанг шунга жавоб қил.  
— Сенга эмас жонон, ҳатто ўзимга  
Жавоб топмай қийналади дил!

●

Мен чироқ бўлмадим қора туннигда,  
Ё асо қариган чоғингда, ота.  
Нимамга шунда ҳам тутиб ёнингда  
Яна бахт тилайсан менга албатта!

●

Гўзалликни севмаган ким бор?  
Гўзалликда пашъу наво, пур.  
Гўзалликни севсанг, жангга юр,  
Гўзалликка қасд қилмиш беор!

●

Хиёнат — орқадан отилган ўқдир,  
Ҳеч кимга муносиб кўрмасин тақдир!

Хиёнат ўқиға ким учса ногоҳ,  
«Мен мангу тирикман» деса у ҳақдир.



Ишқ йўли хилма-хил: баъзан боғ ора,  
Баъзида чўл ора, баъзан тоғ ора.  
Адашмай манзилга етиб ололсанг,  
Бахтингдан миннатдор бўлгин минг бора!



Бахт келар бир марта, синови юзта,  
Ҳар синов тебратиб кўрар оҳиста  
Ҳалол бахт тебранса ўрнашар яна,  
Чўкади бемеҳнат тошилган бўлса!



Мен боғлиқ яшайман ерга, осмонга,  
Мен боғлиқ яшайман гулга, инсонга.  
Гар қўлим шулардан узилиб кетса,  
Билсинги, лат етди бу азиз жонга!



Мардликнинг манбаи муҳаббат,  
Ҳақиқат кўркидир адолат.  
Сен кураш тулпорин минганда,  
Шуларни ёдингда тут, албат.



Шон-шараф дардида ёниб ёзмадим,  
Шон-шараф дардида куйиб-тўзмадим.  
Кўксимда бор экан ижод оташи,  
Куйлашдан завқландим асло безмадим!

## ХОТИМА

---

Ён, чироғим, тонгга қадар ён,  
Ёруғингдан ёрисин жаҳон,  
Ён, чироғим, қалбим кутар, ён,  
Ён, чироғим, ором олсин жон!

Сен ёниб тур, мен қилай ижод,  
Қарзим кўпдир элдан, юртимдан!  
Умрим ўтгач, қараб ортимдан  
Демасинлар:— Кўрди бўш ҳаёт!!

Ён, чироғим, тонгга қадар ён!

## МУНДАРИЖА .

---

Замондошимга . . . . .	5
Орзу ҳақида . . . . .	7
Шоир . . . . .	8
Хавотир олма, отажон! . . . . .	11
Комсомол мадҳияси . . . . .	13
Сенинг шаънинга, ўлкам! . . . . .	16
Ёшлик бахти . . . . .	18
Қизил майдондан ўтганда . . . . .	19
Бир коса шарбат . . . . .	22
Онам, она тилим, она юртим . . . . .	23
Шошма, эй булоқ! . . . . .	27
Мен танлаган йўл . . . . .	28
Айт-чи, қиз . . . . .	29
Асти сўнмас нур . . . . .	30
Бу давр шунақа . . . . .	32
Умр йўлдошимга . . . . .	34
Тошбақа . . . . .	35
Ёшлик ва ёшлар ҳақида . . . . .	36
Юқорига юр . . . . .	40
Ҳамиша йўлдаман . . . . .	41
Ўкинма ҳеч (ўғлимга) . . . . .	43
Қўғирчоқ . . . . .	44
Чироқлар ёнарди хира . . . . .	45
Сен бунда ётасан . . . . .	46
Юз минглар мазори . . . . .	48
Сен баъзан . . . . .	50
Интилиш . . . . .	51
Уч-тўртта оқ тола . . . . .	52
Оташ . . . . .	53

Соқол ҳақида . . . . .	55
Сирли олам . . . . .	57
Мерос . . . . .	60
Қирғоқлар . . . . .	62
Сени севдим . . . . .	63
Илҳом (о қ ш е ъ р) . . . . .	64
Юлдузлар . . . . .	65
Булоқ . . . . .	66
У мени севмади . . . . .	67
Она тилим — ширин сўзим . . . . .	69
Ишқ . . . . .	71
Ажин . . . . .	72
Дарёга хитоб . . . . .	74
Агар . . . . .	76
Қўмсаш . . . . .	77
Севгининг ёши нечада? . . . . .	78
Шеър билан ёшлик эгизак . . . . .	79
Қалбимни қайтар ўзимга . . . . .	80
Ёшингни санама! . . . . .	81
Кўзлар ҳақида . . . . .	82
Лочин . . . . .	83
Баҳорда кел, дединг . . . . .	83
Баҳор кезида . . . . .	84
Аттанг . . . . .	84
Сен-чи? . . . . .	85
Дўстимга берган саволим . . . . .	86
Мендан яширма . . . . .	87
Севгимда ён дейсан . . . . .	88
Оқ шеър . . . . .	89
Йиғлама ҳеч ҳам . . . . .	90
Дардинг бўлса, айт . . . . .	91
Боиси ўзинг . . . . .	92
Майли бахтиёр бўл . . . . .	93
Саволлар . . . . .	94
Ёнингда борардим . . . . .	95
Севги нима? . . . . .	95

Севги калити . . . . .	96
Онангни учратдим . . . . .	97
О, севги . . . . .	98
Лекин, сен севма! . . . . .	99
О, табиат . . . . .	100
Дераза . . . . .	101
Сувнинг гинаси . . . . .	102
Хотиралар . . . . .	103
Кўзим дедим . . . . .	104
Бор бўлсин муҳаббат . . . . .	105
Рашк . . . . .	106
Ҳали ҳам ўшасан . . . . .	108
Умид . . . . .	109
Шеърга муҳтож онлар . . . . .	110
Юксақларда доимо кўзим . . . . .	112
Муҳаббатнинг талаби . . . . .	113
Сенинг юлдузинг . . . . .	114
Ҳаёт нарвони . . . . .	115
Кўндоқдаги исм (Ҳарбий қисмдан хат)	115
Баҳор келди . . . . .	116
Қанот . . . . .	117
Ваъдага келардинг . . . . .	118
Даҳшат . . . . .	118
Ижод ҳақида . . . . .	119
Муҳаббатнинг ёши йўқ . . . . .	121
Солдат қаҳри . . . . .	122
Машраб васияти . . . . .	123
Туман босмиш уфқни . . . . .	123
Дўппи чиройи . . . . .	124
Боғ йўли . . . . .	125
Қора денгизни соғиниб . . . . .	126
Бир қўли кесилган одамдан сўранг . . . . .	127
Балки бир тушдир . . . . .	127
Золим севги . . . . .	128
Тўртликлар . . . . .	130
Хотима . . . . .	148

Ш 97

**Шухрат.**

Шайдо кўнгил. Шеърлар [Сўз боши Э. Воҳидов].— Т.: «Ёш гвардия», 1979С.— 152 б.

**Шухрат.** Влюблённое сердце.

Уз 2

На узбекском языке

**Ш у х р а т**

**ВЛЮБЛЕННОЕ СЕРДЦЕ**

С т и х и

Издательство «Ёш гвардия»

Ташкент — 1979

Редактор Шамси Одил

Рассом Қ. Алиев

Расмлар редактори Э. Валиев

Техн. редактор Г. Аҳмаджонова

Корректор М. Юнусова

ИБ № 474

Босмахонага берилди 2/II-1979 й. Босиш-га рухсат этилди 13/IV-1979 й. Формати 70×90<sup>1/32</sup>. Босма листи 4,75. Шартли босма листи 5,55. Нашр листи 4,15. Тиражи 35000. Қоғоз № 1. Заказ № 4740.

Баҳоси 40 т. Р—08971. Шартнома 32—78. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида босилди.

«Правда Востока» кўчаси, 26.

Ш  $\frac{70403-35}{356 (06)-79} 77-79$